




Назаримизда, тил сиёсатини белгилаш ва бу борадаги йўналишларни аниқлашда ҳал қилувчи омил – ўзбекча талаффуз софлиги, миллий ўзига хосликларнинг етакчи қилиб белгиланиши бўлиши керак. Бизга озми-кўли маълум бўлган аксар тилларда бу тутум принцип даражасида туради.



(6-саҳифада ўқинг).

ИЛМ ЙЎЛИ

КИМЁ ВА ҲАЁТ

ЎзФА Умумий ва ноорганик кимё институти директори,
кимё фанлари доктори
Азиз ИБРАГИМОВ билан суҳбат



– Домла, суҳбатимиз аввалида Фанлар академиясининг Умумий ва ноорганик кимё институтида яратилаётган янги ишланмалар ва истиқболли лойиҳалар ҳақида айтиб ўтсангиз.

– Айни пайтда институтимизда ишлаб чиқиладиган технологияларнинг асосий афзаллиги энергия тежамкорлиги ва иқтисодий самарадорликка қаратилгани билан боғлиқ. Истиқболли ишланмалардан бири сифатида қишлоқ хўжалигида ўсимлик ўсишини рағбатлантирувчи “CuVita AA-01” препаратини айтиб ўтишим мумкин. Ушбу ишланма 2024 йилда патентланиб, 2025 йилдан бошлаб лицензион шартнома асосида ишлаб чиқарила бошлан-

ди. Препарат экин ўсишини жадаллаштириш, ҳосилдорликни ошириш ҳамда сув танқислиги ва қурғоқчиликка чидамликни кучайтиришга хизмат қилади. Уни лаборатория шароитидан ишлаб чиқариш босқичига олиб чиқиш учун ўн йил вақт сарфланди. Жумладан, Фарғона вилоятидаги фермер хўжаликларида препарат қўлланилганда, мош ҳосилдорлиги гектарига 17 центнердан 25 центнергача ошди. Бу эса озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва қишлоқ хўжалиги самарадорлигини юксалтиришда илм-фаннинг бевосита ҳиссасини кўрсатади.

(Давоми 3-саҳифада).

ТАЛҚИН

Глобал геосиёсий ва макроиқтисодий мавҳумликлар даврида капитални хавфсиз сақлаш, барқарор бозорларни кашф этиш ва ишончли шериклар топиш халқаро инвесторлар учун устувор вазифага айланди. Шундай қалтис бир вазиятда Марказий Осиёнинг иқтисодий драйвери бўлган Ўзбекистон навбатдаги йирик сиёсий-иқтисодий тадбирга – Тошкент халқаро инвестиция форумига мезбонлик қилди.



ТХИФ-2026:

ҒОЯ ВА САРМОЯ

Бундай йирик форумлар Ўзбекистон учун нафақат мулоқот майдони, балки амалий ҳамкорликка олиб борадиган ишончли кўприкка айланмоқда.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон халқаро инвестицияларни жалб қилиш борасида катта ютуқларга эришди. Мамлакатимизга жами 150 миллиард доллардан зиёд хорижий сармоя киритилди, шундан 123 миллиард доллари охириги беш йилга тўғри келади, бу эса илоҳотларнинг самараси ва ишонч даражасини яққол акс эттиради. Форумга бўлган қизиқиш бу жараённи янада тезлаштирмоқда.

Жорий тадбирда 100 дан ортиқ давлатдан қарийб 4 минг хорижий делегат иштирок этиши анжуманнинг нуфузи ва глобал аҳамиятини кўрсатади. Бу ишбилармонлар, инвесторлар ва халқаро ташкилотлар учун Ўзбекистон бозори ҳақидаги ишонччи янада мустаҳкамлайди. Эътиборлиси, Тошкент халқаро инвестиция форуми йилдан-йилга ўз қўламини кенгайтириб, глобал брендга айланиб бормоқда. Ўтган йилги тадбирда Болгария Президенти Румен Радев, Словакия Бош вазيري Роберт Фицо, Марказий Осиё давлатларининг ҳукумат раҳбарлари, Европа

тикланиш ва тараққиёт банки президенти Одиль Рено-Бассо ҳамда Янги тараққиёт банки президенти Дилма Руссефф каби нуфузли сиёсатчи ва молиячилар иштирок этган, имзоланган инвестициявий ва савдо келишувларининг умумий қиймати 30,5 миллиард долларни ташкил қилганди.

ТХИФ-2026 ҳам бундан мустасно эмас. Унда Албания Республикаси Президенти Байрам Бегай, Россия Федерацияси Ҳукумати Раиси Михаил Мишустин, Бела-рус, Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғиз Республикаси ва Тожикистон Республикаси Бош вазирлари

иштирок этди. Шу билан бирга, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Янги тараққиёт банки, Жаҳон банки, Халқаро молия корпорацияси (IFC), Осиё тараққиёт банки, Осиё инфратузилма инвестициялари банки ва Европа инвестиция банки каби молиявий институтлар ҳамда хорижий банктар, компания ва ташкилотлар вакилларининг фаол иштироки Ўзбекистоннинг йирик инфратузилма ва инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

(Давоми 2-саҳифада).

ЎЗБЕКИСТОН - ГЕРМАНИЯ

СТРАТЕГИК ҲАМКОРЛИК ЯНГИ БОСҚИЧДА

Германия Федерал Президенти Франк-Вальтер Штайнмайернинг Ўзбекистонга амалий ташириги икки давлат ўртасидаги муносабатларнинг сифати ва мазмунини янада чуқурлаштирди. Европа Иттифоқи ҳамда Германиянинг Марказий Осиё билан муносабатларини мустаҳкамлашда ГФР раҳбарининг шахсий ҳиссаси ва амалий иштироки эътиборга молик.



Германия ва Ўзбекистон ўртасидаги алоқалар тарихан узун ва самарали бўлиб, бу ташириф уларнинг стратегик шериклигини янада мустаҳкамлашга ёрдам беради. Ташириф давомида икки томонлама иқтисодий лойиҳалар, инвестициялар ва технология алмашинуви бўйича музокаралар олиб борилди.

Давлат раҳбарлари иштирокида икки томонлама ҳужжатлар алмашинуви ва қатор янги қўшма лойиҳаларга старт берилиши Ўзбекистон ва Германия ўртасидаги стратегик шериклигининг янги босқичи ҳисобланади. Ушбу ташаббуслар иқтисодиётни диверсификациялаш, иш ўринлари яратиш, инфратузилмани модернизация қилиш ва малакали кадрлар тайёрлашда қатъий амалиётга асосланган натижалар бериши кутилади.

(Давоми 2-саҳифада).

ФАКТ

✓ 18 июнь кuni Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида Хорижий инвесторлар кенгашининг навбатдаги ялпи йиғилиши бўлиб ўтди.

✓ Германия Федерал Президенти Франк-Вальтер Штайнмайернинг мамлакатимизга расмий таширифи доирасида Ўзбекистон Республикаси Биринчи хоними Зироат Мирзиёева ва Германия Биринчи хоними Эльке Бюденбендернинг учрашуви бўлиб ўтди.

✓ 23-26 июнь кунлари Наманган вилояти Давлатобод туманидаги “Янги Ўзбекистон” хиёбонида III халқаро мақом санъати фестивали бўлиб ўтади.

✓ Январь-май ойларида жами 5 351 868 нафар чет эл фуқароси сайёҳлик мақсадида Ўзбекистонга ташириф буюрган.

ОГОҲЛИК

ҚАЛЪ УЙҒОҚ, БЎЛСА...

Бугун дунё шундай мураккаб босқичга кирдики, давлатларнинг қудрати эндиликда фақат иқтисодий кўрсаткич ёки ҳарбий салоҳият билан ўлчанмайди. Айни пайтда тараққиётнинг ҳақиқий мезони жамиятнинг ички барқарорлиги, фуқароларнинг онги ва мамлакат тақдирига нисбатан дахлдорлик ҳиссига чамбарчас боғлиқдир.

Замонавий таҳдидлар аввалгидек танк ёки қурол билан эмас, аввало, инсон онига таъсир кўрсатиш орқали ўз мақсадига эришишга интиломоқда. Ҳўш, мана шундай мураккаб вазиятда

мамлакат ўз барқарорлиги ва тараққиётини нималар ҳисобига таъминлайди? Ташқи ёрдам ва таъсирларга таянадими ёки ўз ички салоҳияти, фуқароларининг масъулиятигами?

Ҳаётнинг ўзи бир ҳақиқатни қайта-қайта тасдиқламоқда: ҳеч бир давлат ёки жамият бошқасига мутлақ беғараз ёрдам бермайди. Халқаро муносабатлар замирида доимо муайян манфаатлар ётади. Шунинг учун ҳам ҳар бир халқнинг эртаси, аввало, унинг ўз саъй-ҳаракати, ички бирлиги ва фуқаролари масъулиятига боғлиқ.

(Давоми 4-саҳифада).

ТАРИХ ВА ТАҚДИР

УЗРИ ГУНОҲИДАН БАТТАР



“Jadid” газетасида маърифатпарвар олим Фустамбек Шамсутдиновнинг аниқ фактларга асосланган таъсирли мақолаларини ўқир эканмиз, баъзан алоҳида шахслар эмас, бутун оила вакиллари “катта террор” домига тортилганига гувоҳ бўламиз. Ўтган йили Баҳром Ирзаевнинг “Айбин билмай кетган Фузаил Шераҳмедов” сарлавҳали тадқиқот маҳсулини ўқиган эдик. Маълум бўлишича, мақола қаҳрамони Шераҳмедовлар сулоласидаги ягона қурбон эмас.

Бу маърифатли оила илдизлари Шайхонтоҳур даҳасининг қадимий “Қорёғди” маҳалласида яшовчи йирик савдогар бойлардан бўлмиш Исроил Шераҳмедов ва Ҳожиаҳмадбой Шераҳмадбой ўғли хонадонларига туташади. Хонадон фарзандлари Нажмиддин,

Насриддин ва Фузаил дастлаб жадид ҳамда рус-тузем мактабларида, хусусан, Мунаввар қори Абдурашидхоновнинг “Намуна” ва Саид Ахрорийнинг “Ватан” мактабларида таҳсил олади.

“Кўмак” ташкилоти ва Бухоро Халқ Республикаси ажратган сармоя эвазига, оиланинг тўнғичи, тадбиркор Нажмиддин Шераҳмедовнинг саъй-ҳаракатлари билан Насриддин, Фузаил ҳамда синглиси Саида 1922 йилнинг кузига Германияга ўқишга юборилади. Берлинда тезкор немис тили курсини тугатган ёшлар тез орада тарқалиб, Саида Дармштадтга, Фузаил Штрей-лицдаги олий техника мактабининг йўл муҳандислиги факультетига йўл олади. Насриддин 1924-1925 йиллари Берлинда олий савдо мактабида ўқиб, 1925 йили машҳур Ҳейдельберг университети-га қабул қилинади.

(Давоми 7-саҳифада).



Бошланиши 1-саҳифада.

Давлатимиз раҳбари анжуманда сўзлаган нутқда таъкидлаганидек, Ўзбекистон барча инвесторлар учун очик ва тенг ҳуқуқли шериклик тамойилига қатъий содиқ. Давлат инвесторларни жалб қилишда шаффофлик, кафолатланган ҳуқуқий режа ва барқарор сиёсатни таъминлашга муносиб эътибор қаратмоқда. Бу йўл, ўз навбатида, хорижий капиталнинг узоқ муддатли лойиҳаларга киришини рағбатлантиради. Хусусан, хорижий сармоядорлар учун рақамлаштирилган маълумотлар, тайёр лойиҳалар ва жозибador инфратузилма яратиш бўйича олиб борилаётган ишлар бозорга кириш жараёнларини оsonлаштиради. Бунини олиб даражадаги меъёрий-ҳуқуқий ислохотлар ва молиявий институтлар билан биргаликда амалга ошириш режаланган. Мазкур чоралар инвестициявий иқлимни янада яхшилаш, хусусий секторнинг ролини кенгайтириш, технология ва малакали кадрларни жалб этиш орқали мамлакатимиз билан ҳамкорлик қилишдан манфаатдор инвесторлар учун қулай шароитлар яратилмоқда.

Ўзбекистон тенг ҳуқуқли ва ўзаро фойдали ҳамкорликка тайёр ва бу йўлдаги саъй-ҳаракатлар катта марраларга эришиш учун мустақкам пойдевор бўлиб хизмат қилади. Форум айнан шундай фаол мулоқот ва амалий келишувлар учун энг қулай майдон. Биз қуруқ қозонларда қолиб кетадиган эмас, балки амалга ошириладиган лойиҳалар даврига кираймиз.

Биргаликдаги ҳаракатлар халқимиз фаровонлиги ва ривожини йўлидаги энг муҳим капиталдир.

Жаҳон иқтисодиётида геосиёсий ва савдо зиддият кучаяётган бир даврда Ўзбекистоннинг ҳозирги ютуқлари ва имкониятлари жуда ҳам аҳамиятли. Биринчидан, мамлакатимизнинг иқтисодий кўрсаткичлари намунали ва ишончли. Ўтган йили ялпи ички маҳсулот 7,7 фоизга ўсди, иқтисодиётга 43 миллиард доллардан ортиқ инвестиция киритилди, халқаро валюта захиралари 70 миллиард доллардан ошиб, миллий валюта барқарорлиги таъминланди. Бу натижалар мамлакатда олиб борилаётган ислохотлар ва инвестиция муассасаларига бўлган ишончининг натижаси ҳисобланади.

Иккинчидан, Ўзбекистон стратегияни шахсиятлар эмас, институтлар, қонун ва кафолатлар асосида қўрапти. Янги Ўзбекистонда инвестор ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизими тизимли ривожлантирилмоқда. Шаффоф солиқ ва божхона режими, капитал эркинлиги, хорижий валютатда ҳисобкитоб қилиш имконияти каби адекват механизмлар жорий этилмоқда. Бу капитал учун кучи юқори рағбат демакдир.

Ҳозирги босқичда Ўзбекистон улкан ислохотлар ва инвестициявий имкониятлар даврини бошдан кечирмоқда. Форум платформасида Президентимиз томонидан илгари сурилган йўналишлар – инвесторлар учун муносиб шароитлар, капитал бозорини ривожлантириш, “яшил” энергетика ва сунъий интеллект, юқори қўшилган қиймат занжирлари ҳамда минтақавий транспорт-логистика – мамлакатимизни глобал иқтисодиётнинг марказий нуқталари қаторига қўтаришга қаратилган.

Биринчи йўналиш – инвесторлар учун ҳуқуқий кафолат тизимини янада кучайтириш. Бу йилги форумнинг мутлақ марказий воқеаси ва бош сенсацияси шу йилнинг март ойида Президент фармони билан ташкил этилган “Тошкент халқаро молия маркази” тақдироти бўлди. Ушбу ташаббус шунчаки қиройили ном эмас, аксинча, халқаро инвесторлар учун энг таниш ва хавфсиз бўлган Инглиз умумий ҳуқуқи (Common

ТХИФ–2026:

ҒОЯ ВА САРМОЯ



Law) тамойилларига асосланган мутлақо янги институционал ва ҳуқуқий архитектурадир.

Жаҳондаги етакчи молиявий хаблар (Лондон, Дубай, Сингапур) тажрибаси шуни кўрсатадики, йирик капитал эгалари учун давлатнинг иқтисодий ўсиш суръатларидан кўра ҳуқуқий тизимнинг шаффофлиги ва башорат қилиниши (прогноза эгаллиги) муҳимроқдир. Тошкент халқаро молия маркази айнан мана шу эҳтиёжни қондириш учун яратилди.

Марказини ташкил этиш ташаббуси мамлакатнинг глобал молиявий харитасидаги ўрнини мустақкамлайди. Унинг ҳуқуқий базаси Конституциявий қонун билан мустақкамланади, ушбу ҳудудда жозибador солиқ ва регулятив режим – инвестициявий имтиёзлар 50 йилгача белгиланган имконияти билан рағбатни кучайтиради. Англия умумий ҳуқуқига асосланган махсус режим, мустақил тижорат суди ва халқаро экспертизани жалб қилиш инвесторларга халқаро стандартлар даражасида ҳуқуқий ҳимояни кафолатлайди.

Инвестицион низоларни ҳал қилиш учун суддан ташқари механизмлар – медиация ва халқаро келишувлар асосидаги тезкор ҳал қилиш воситалари мустақкамланмоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Сингапур конвенциясига қўшилиш нияти шу йўналишдаги йирик қадамлардан биридир.

Ушбу чоралар натижасида инвесторлар Ўзбекистоннинг ўзида кафолатланган халқаро ҳуқуқий ҳимояга эга бўлади.

Давлатимиз раҳбари илгари сурган иккинчи йўналиш – капитал бозорини ривожлантириш, муқобил молия воситаларига кенг йўл очиб. Шу ҳақда сўз борганда, сўнгги йилларда мамлакатимиз халқаро молия бозорларида фаоллашиб бораётганини таъкидлаш жоиз. Жами 16 миллиарддан ортиқ облигациялар мазкур бозорларга муваффақиятли жойлаштирилди ва миллий валютадаги корпоратив еврооблигациялар

айланмага киритилди. Айниқса, Миллий инвестиция жамғармасининг 30 фоиз акциялари Тошкент ва Лондон биржаларида IPO орқали чиқарилгани Лондон биржасининг сўнгги беш йил ичидаги энг йирик IPOларидан бири бўлди. Бундан ташқари, қатор йирик компанияларнинг IPOлари учун тайёргарликлар аллақачон бошланди. Лойиҳалар ички бозорни мустақкамлаш ва хорижий инвесторларни жалб қилиш имкониятини янада кучайтириши кутилмоқда.

Капитал бозорини ривожлантиришнинг ҳуқуқий-органик асосини мустақкамлаш мақсадида “Капитал бозори тўғрисида” ва “Муқобил инвестиция жамғармалари тўғрисида”ги қонунлар қабул қилиниши режалаштирилган. Бу қонунлар хусусий секторнинг илгор молиявий институтлар, венчур ва хусусий капитал фонди, шунингдек, халқаро клиринг ва калон молиявий институтлар учун қулай ҳудудни яратади. Инвестиция оқимини диверсификация қилиш учун Ўзбекистон суверен ислом облигациялари дастурини йўлга қўяди. Бу механизм ислом молиясига асосланган инвесторларга мамлакат бозоридида иштирок этиш имконини беради ҳамда камида 10 миллиард долларлик қўшимча капитални жалб этишга катта туртки бўлиши кутилмоқда.

Учинчи йўналиш – “яшил” энергетика ва сунъий интеллект соҳаларидаги шерикликни янада қучуқлаштириш. Ўзбекистон “яшил” энергетикага катта устуворлик бермоқда: электр генерациясида янада юқори улуш – 2030 йилгача 54 фоизга эришишни режалаштирган. Бу мақсадга эришиш учун давлат қуёш ва шамол электр станциялари ва инвестициялар, энергия сақлаш тизимларини жорий этиш лойиҳалари, тармоқлар ва узатиш инфратузилмасини модернизация қилиш, ҳам “яшил” энергияга уланган, ҳам иқлимга мос дата-марказлар барпо этиш борасида имкониятларни тақлиф қилмоқда. Инвесторлар учун имтиёзлар, узоқ муддатли PPA шартлари, махсус иқтисодий

зоналар ва қулай тарифлар тизими лойиҳаларнинг рентабеллигини оширади. Бу бозордаги имкониятлар нафақат экологияга фойда келтиради, балки юқори даромадли инвестициялар яратиш имконини беради.

Сунъий интеллект – иқтисодий ўсиш ва рақобатбардошликнинг асосий двигатели. Ўзбекистон соҳада Миллий стратегияни қабул қилди ва “Беш миллион етакчи” каби масштабли дастурлар йўлга қўйилди. Асосий мақсад таълим, соғлиқни сақлаш, давлат хизматлари ва бизнес жараёнларида сунъий интеллект қўлланилишини кенгайтиришдан иборат.

Тўртинчи йўналиш – юқори қўшилган қиймат занжирларини кенгайтиришга инвестицияларни жалб этиш. Саноатни юқори технологияли босқичга қўтариш йўлида Ўзбекистон катта дастурларни бошлади. Келаси беш йилда саноатдаги юқори технологияли маҳсулот ҳажмини 2,5 баробарга қўпайтириш мақсад қилинган. Хусусан, илгор кимё тармоғини ривожлантириш орқали 20 миллиард долларлик инвестиция салохияти, ҳудудларда 15 мингдан ортиқ юқори даромадли иш ўринлари яратиш, 130 турдаги янги маҳсулотни ишлаб чиқаришга қўл келувчи ҳамкорлик лойиҳалари шулар жумласидан.

Ўзбекистоннинг бой табиий ресурслари – олтин, мис, уран, вольфрам, газ ва бошқа ноёб захиралар – бугунги шароитда катта инвестиция ва қўшилган қиймат яратиш имконларини беради. Ер ости бойликларининг умумий қиймати тахминан 3 триллион долларга баҳоланмоқда. Бу соҳадаги имкониятларни хорижий инвесторларга тақдим этиш мақсадида очик рақамли геология маълумотлар базаси яратилляпти. Президентимиз инвесторларни машинасозлик, робототехника, енгил саноат, қурилиш материаллари, электротехника, фармацевтика каби “драйвер” тармоқларда ҳам 30 миллиард долларлик инвестиция лойиҳаларини биргаликда амалга оширишни тақлиф қилди.

Бешинчи йўналиш – минтақавий транспорт-логистика боғлиқлигини ривожлантириш. Ўзбекистон минтақавий ҳамкорликнинг марказига айланишни мақсад қилган. Бу борада Хитой ва Қирғизистон билан стратегик темир йўллар қурилиши, Трансафғон коридори орқали жанубий денгиз портларига тўғридан-тўғри чиқиш, Каспий орқали “Ўрта коридор”ни кенгайтириш ва Европа-Осиё транспорт магистраллари интеграция, янги тезйорар автомобиль йўллари, қўп функцияли логистика марказлари ва “қуруқ порт”лар ташкил этиш, Саудия билан ҳамкорликда Ўзбекистонда йилга 20 миллион йўловчига мўлжалланган янги Тошкент халқаро аэропортини қуриш лойиҳасини амалга ошириш кўзланган. Бу лойиҳалар мамлакатни транзит ва логистика марказига айлантириб, маҳсулотлар экспорти ва импортини енгиллаштиради ҳамда минтақавий савдо оқимларини оширади.

Шунингдек, ҳудудларни ривожлантиришда инвестициявий ҳамкорликни янги босқичга қўтариш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистоннинг иқтисодий ва демографик кўрсаткичлари юксалаётган бир паллада ҳудудларни комплекс ривожлантириш – мамлакат тараққиётининг муҳим драйверига айланмоқда. Мамлакатимиз аҳолиси сони қарийб 40 миллионга яқинлашиб, иқтисодий ўсиш ва урбанизация босқичларининг тезлашиби шаҳарсозлик, инфратузилма ва ижтимоий хизматларга юксак салохиятли инвестиция талаб қилади. Ҳукумат бу реаллиқни ҳисобга олган ҳолда ҳудудий тараққиётни янги услубда – инвестициявий ҳамкорлик, давлат-хусусий шериклик ва стратегик лойиҳалар орқали рўёбга чиқариш йўлини танлади. Бу йўналишда ҳам инвесторлар ишлаши учун катта майдон ва имконият мавжуд. Хуллас, форум иштирокчилари глобал инқирозлар шароитида капитални қандай ҳимоя қилиш, қайси институционал механизмлар ривожланаётган бозорларда инвестиция барқарорлигини таъминлаш ва янги ҳамкорлик йўналишларини қаердан излаш кераклиги каби энг долзарб саволларга жавоб изладилар.

ТХИФ–2026 икки томонлама бизнес-форумлар форматини фаол сақлаб қолган ҳолда, Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий ҳамкорлик қўламини кенгайтирмоқда. Форум доирасида бир қатор давлатлар ва ташкилотлар билан алоҳида инвестициявий мулоқотлар бўлиб ўтди. Албания, Корея Республикаси, АҚШ, Венгрия, Туркия ва Озарбайжон каби давлатлар билан икки томонлама бизнес-форумлар, Хитой ва ШХТ давлатлари ўртасидаги махсус инвестициявий мулоқот платформаси шулар жумласидан.

Янги Ўзбекистон – бу ўзгаришларга тайёр, имкониятларга очик ва ҳамкорлик қилишга интилаётган мамлакат. Президент сармоядорларни мамлакатимиз билан биргаликда янги марраларга эришишга тақлиф этди. Бу марралар қуруқ гаплар билан эмас, ҳақиқий инвестиция ва қўшма лойиҳалар орқали амалга ошади. Уч кунлик учрашувлар натижасида ўн миллиардлаб долларлик янги инвестиция битимлари имзолангани мамлакатимизнинг инвестициявий жозибadorлиги даражасини белгилаб берди. Шунингдек, ТХИФ–2026 халқаро молия институтлари ва йирик компаниялар билан ҳамкорликни мустақкамлашга хизмат қилиб, Ўзбекистон иқтисодиёти учун янада улкан имкониятлар эшигини очди.

Ўктамжон ҲАМРААЛИЕВ

Бошланиши 1-саҳифада.

Тошкентда ўтказилган мулоқотлар давомида Германиянинг етакчи корхоналари – автомобиль, логистика, фармацевтика, тўқимачилик ва таълим соҳаларида фаолият юритувчи компанияларнинг Ўзбекистон бозорига кенг кириш ниятини маълум қилди. Шу муносабат билан икки томонлама молиявий ҳамкорлик доирасида шаҳарларни барқарор ривожлантириш лойиҳалари учун грантлар ва имтиёзли молиялаштириш келишувлари имзоланди. Бу маблағлар маҳаллий инфратузилма ва ижтимоий лойиҳаларни амалга оширишдаги сармоя кафолатини мустақкамлайди.

Айниқса, Президентлар ҳузурида муҳим қўшма лойиҳаларга старт берилиши мулоқотларнинг самарали кечганини аниқлатади. Хусусан, Volkswagen учун Тошкентда йирик тармоқли йиғиш корхонаси ташкил этилди. Бу лойиҳа маҳаллий автомобилсозлик кластерини шакллантириш, компонентлар ишлаб чиқарувчиларини ривожлантириш ҳамда экспорт салохиятини оширишга хизмат қилади. Андижон вилоятида логистика марказини барпо этиш

минтақавий товар айланмасини оптималлаштириш, транзит ва логистик операторлар учун янги имкониятлар яратишга қаратилган. Темир йўл соҳаси учун мутахассислар тайёрлаш ва замонавий имтиҳон марказларини очилиши транспорт соҳасидаги кадрлар талабини ҳал қилиш ва хизмат сифатига кафолат беришни аниқлатади. Бу лойиҳалар нафақат иқтисодий фойда келтиради, балки маҳаллий саноатни модернизация қилиш ва технология трансферини ҳам таъминлайди. Немис технологиялари ва стандартлари асосида маҳсулот сифати яхшиланади, бу эса халқаро бозорларда рақобатбардошликни оширади. Техник таълим ва имтиҳон марказлари кадрларнинг малакали бўлишига хизмат қилади, шу билан саноатнинг технология даражаси кўтариллади.

Германия билан ҳамкорликдаги лойиҳалар атроф-муҳит муҳофазаси, энергосамарадорлик ва “яшил”

технологияларни ҳам кўзда тутди.

Ўзбекистоннинг Европа қиёфасидаги муҳим ҳамкори сифатида Германия билан муносабатларни кенгайтириши минтақавий интеграцияни ҳам кучайтиради. Лойиҳалар техник тажриба, молиявий ресурс ва бозор имкониятларини бирлаштириб, икки томон учун бирдек фойда келтиради. Германия билан амалиётдаги шериклик – бу Ўзбекистоннинг саноат, таълим, логистика ва экологик барқарорлик соҳаларидаги трансформацияси учун стратегик имкониятидир. Немис технологиялари, инвестициялари ва таълимий ҳамкорликлари орқали Ўзбекистон “Ўрта маррадан” юқори қўшилган қийматга эга иқтисодиётга ўтишни тезлаштириши мумкин. Германия эса Ўзбекистон орқали Марказий Осиё билан яқинроқ интеграция, ресурс ва бозорлар диверсификациясини амалга ошириш имкониятига эга бўлади.

Тан олиш керак, Германия

иқтисодий, сиёсий, ҳарбий ва технология жиҳатдан Европа ва дунёнинг энг нуфузли давлатларидан бири. Ўзбекистон учун эса Берлин билан яқин ҳамкорлик нафақат инвестиция ва технология олиш манбаи, балки минтақадаги стратегик шериклигининг муҳим элементидир. Иқтисодий жиҳатдан Германия – Европадаги энг йирик экспортёрлардан бири, дунё иқтисодиётида етакчи ўринлардан бирида. Автомобилсозлик (VW, BMW, Mercedes), машинасозлик, кимё ва фармацевтика (BASF, Bayer) соҳалари кучли. Ўрта корхоналари инновация ва экспортнинг асосий драйвери.

Германия учун Тошкент аста-секин Марказий Осиё сиёсатидаги асосий таянч нуқтасига айланимоқда. Бу жараёнинг сабабларини тушуниш учун, ўзаро алоқалардан ташқари, Евросиёда шаклланаётган янги геоиқтисодий муҳитга назар ташлаш лозим. Бугунги кунда давлатлар аҳамияти фақатгина

жойлашуви билан эмас, балки қандай имкониятлар тақлиф қилишлари билан белгиланмоқда. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистоннинг Германия Федератив Республикаси учун Марказий Осиёдаги муҳим ҳамкорлардан бири бўлиб қолиши тасодиф эмас.

ГФРнинг ташқи иқтисодий стратегиясида “яшил трансформация” тушунчаси марказий ўрин эгаллайди. Бу жараён экологик сиёсатдан кўра, XXI асрнинг энг йирик иқтисодий янгилликларидан бири ҳисобланади.

Германия саноати энергия манбалари, электр транспорт воситалари, рақамли технологиялар ва юқори технологик ишлаб чиқаришга тобора қўпроқ таянмоқда. Натижада стратегик минерал ресурсларга талаб кескин ошяпти. Бу нуқтада Ўзбекистоннинг роли муҳимдир.

Германия ва Ўзбекистон ўртасидаги муносабатлар савдо рақамлари ёки инвестициялар билан чегараланмайди. Уларнинг ҳақиқий

салохияти демографик омиларда, таълим ва технология соҳасидаги ҳамкорликда намоён бўлади. Келажда бу икки давлатнинг иқтисодий ривожини учун муҳим йўналиш бўлиб хизмат қилади. Демак, Германиянинг Ўзбекистонга қизиқиши, фақат иқтисодий манфаатлар билан эмас, балки стратегик ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган долзарб демографик омилар билан ҳам боғлиқдир.

Халқаро муносабатларда энг мустақкам шериклик манфаат вақтинча мос келганда эмас, балки тараққиёт мақсади бир-бирига яқинлашганда шаклланади. Германия ва Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорлигининг келаждаги айнан шундай умумий мақсадларга асосланади. Икки давлатнинг иқтисодий модернизацияси ва технология тараққиётининг бир-бирига яқинлашиби уларнинг стратегик шериклигини мустақкамлайди.

Иқбол МИРЗО



КИМЁ ВА ҲАЁТ

Бошланиши 1-саҳифада.

Турли саноат чиқиндиларидан углерод нанотрубкаларини олишнинг янги технологик ечимлари устида изланишлар олиб борилмоқда. Бу бир томондан чиқиндиларни қайта ишлаш имконини берса, иккинчи томондан юқори қўшимча қийматга эга маҳсулотлар яратишга хизмат қилади. Мазкур материаллар юқори мустаҳкамлиги, электр ва иссиқлик ўтказувчанлиги сабабли, замонавий технологияларнинг энг талабгир маҳсулотларидан бири ҳисобланади. Бу борада Беларус, Туркменистон, АҚШ, Финляндия ва Хитой каби давлатларнинг етакчи олимлари билан ҳамкорлик қиляпмиз.

Маҳаллий углеводород хомашёсидан “Jet A-1” авиакеросини олиш технологияси яратилди. Ушбу технология Бухоро нефтни қайта ишлаш заводида амалиётга жорий этилган. Натижада 1 миллион 100 минг тоннадан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарилиб, қарийб 24 миллиард сўм иқтисодий самара олинди.

Умуман олганда, илм-фан фақат илмий мақола ёки патентлар билан чекланмайди. Унинг асосий вазифаси иқтисодиётнинг реал секторидаги муаммоларга ечим топиш, янги технологиялар яратиш ва мамлакатнинг технологик мустақиллигини таъминлашдан иборат. Бугун Фанлар академияси тизимида озиқ-овқат хавфсизлиги, иқлим ўзгариши, ресурслардан самарали фойдаланиш каби долзарб масалаларни ҳал этишга қаратилган ўнлаб амалий лойиҳалар ҳаётга татбиқ қилиняпти. Шу маънода, илм-фан мамлакат иқтисодиётининг рақобатдошлигини ошириш, импортга қарамликни камайтириш ва халқ фаровонлигини юксалтиришнинг муҳим омилларидан биридир.

– **Халқаро ҳамкорлик ҳақида гапирдингиз. Фанлар академияси таркибидagi бошқа институтлар билан ҳам алоқалар ўрнатилганми? Чунки бугун маҳаллий илмий муассасалар салоҳияти ҳам хорижникидан қолишмайди, назаримизда.**

– Тўғри айтдингиз. ЎзФА Полимерлар кимёси ва физикаси институти билан жиҳдий лойиҳага кўл урганмиз. Аэрогеллар – олимларимиз ҳамкорлиги маҳсули. Аэрогеллар дунёда энг енгил материаллар қаторига кириди. Улар юқори ғовақилка эга бўлиб, ўзига хос физик-кимёвий хусусиятлари сабабли турли соҳаларда кенг қўлланилмоқда. Хусусан, қурилиш саноатида иссиқлик ва товуш изоляцияси, зарбаларни ютувчи ҳимоя материалларида, қишлоқ хўжалигида зарарли моддаларни адсорбция қилиш, шунингдек, тўқимачилик саноатида оқава суварни органик ифлослантирувчилардан тозалаш каби йўналишларда фойдаланиш имкониятлари мавжуд.

Уларнинг яна бир муҳим афзаллиги – оловга бардошли ва енгиллиги ҳамда юқори самарадорлигида. Шу сабабли, аэрогеллар бугунги кунда дунё илм-фанидаги энг истиқболли смарт материаллардан бири сифатида эътироф этилмоқда. Ўзбекистонда бу йўналиш нисбатан янги ҳисобланади. Шунга қарамай, ушбу соҳада фаол илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Келгусида аэрогелларнинг янги турлари ва уларни амалиётга жорий этиш бўйича изланишларни янада кенгайтириш режалаштирилган.

– **Халқаро илм-фан майдонида шу кеча-кундузда қайси йўналишлар жадал ривожланмоқда?**

– Дунё миқёсида сунъий интеллект, ахборот технологиялари, энергетика, қишлоқ хўжалиги, фармацевтика каби соҳалар мислиси ривожланиш босқичига кирган. Кимё фанида эса энг истиқболли йўналишлардан бири – смарт материаллар ва наноматериалларни яратиш. Масалан, қишлоқ хўжалигида қўлаб зарарли патогенлар мавжуд препаратларга нисбатан чидамлилик ҳосил қилмоқда. Шу боис, янги антимикроб хусусиятга эга материаллар ва препаратларни яратиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан биридир.

Шунингдек, биотехнология, нанокимё, наноматериаллар, нозизиқли оптик материаллар ва металлорганик каркаслар (МОФ) йўналишлари ҳам катта аҳамият касб этмоқда. Нозизиқли оптик материаллар суперконденсаторлар, лазер технологиялари ва бошқа юқори технологик соҳаларда кенг қўлланилади. Металлорганик каркаслар юқори сорбцион хусусиятга эга янги материаллар бўлиб, улар сувни тозалаш, дори воситаларини мақсадли етказиб бериш каби йўналишларда қўлланиши мумкин.

Нанокимё ҳам бугунги кунда энг тез ўсаётган соҳалардан биридир. Сўнгги йилларда илм-фанга қаратилаётган эътибор ва замонавий асбоб-уску-



налар харид қилиниши натижасида бу борадаги имкониятлар тубдан кенгайди. Бугун ўзбекистонлик олимлар наноматериалларни яратиш ва ўрганиш бўйича жаҳон илм-фани билан ҳамнафас изланишлар олиб бормоқда. Келажақда ушбу йўналиш мамлакат иқтисодиёти ва саноати учун зарур бўлган янги технологияларни яратишда муҳим ўрин тутаяди.

– **Олимлар билан суҳбатларимиздан маълум бўлдики, авваллари хорижий университетлар ва илмий марказлар билан ҳамкорлик ўрнатиш учун асосан Ўзбекистон томони ташаббус кўрсатган бўлса, эндиликда ҳамкорлик тақлифлари хориждан келмоқда экан.**

– Ҳақиқатдан шундай бўляпти. Бу илм-фанга ажратилаётган маблағларнинг ортиши, илмий инфратузилманинг янгиланиши ва олимлар учун яратилган шароитлар туфайлидир. Ўзбекистон илм-фани сўнгги 7-8 йил ичида сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди. Буни халқаро нуфузли журналларда чоп этилаётган илмий мақолалар сони ва сифатининг ортгани, хорижий патентлар ва қўшма лойиҳалар сафининг кенгайгани ҳам тасдиқлайди.

Масалан, Умумий ва ноорганик кимё институти бугунги кунда 30 дан ортиқ хорижий илмий марказ ва университетлар билан ҳамкорлик меморандумларини имзолаган. Хитойнинг етакчи университетлари билан қўшма лабораториялар ташкил этилган. Энг муҳими, бугун нафақат Ўзбекистонда, балки Инфотайда ҳам ўзбек олимлари иштирокидаги илмий лаборатория фаолият юритмоқда. Ҳиндистон билан ҳам янги қўшма лаборатория ташкил этиш ишлари олиб борилмоқда. Бундай ҳамкорликлар илмий тажриба алмашиш, замонавий технологияларни ўзлаштириш ва халқаро миқёсдаги лойиҳаларни амалга ошириш учун муҳим платформа вазифасини ўтамоқда.

Янги Ўзбекистон илм-фанига ривожланган давлатлар томонидан билдирилаётган қизиқиш мамлакатимиз илмий салоҳиятини сезиларли даражада ошганидан далолат беради.

– **Янги Ўзбекистонда ёш олимларга кўрсатилаётган эътибор ҳақида қандай фикрдасиз?**

– Муҳтарам Президентимиз томонидан илгари сурилган Учинчи Ренессанс ғоясининг асосий таянчи – ёшлар, яъни инсон капиталидир. Шу боис, бугун ёш олимлар учун кенг имкониятлар яратилмоқда. Хусусан, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳамда Инновацион ривожланиш агентлиги томонидан иқтидорли ёшлар ривожланган давлатларнинг етакчи илмий марказларига тажриба алмашиш ва малака ошириш дастурларига юборилмоқда. Энг муҳими, бу харажатлар давлат томонидан қўлланади. Аввал хорижда тажриба орттириш учун турли грант ва фондларга мурожаат қилишга тўғри келарди. Бугун давлатнинг ўзи ёшларни қўллаб-қувватламоқда. Бу эса замонавий дунёқарашга эга, халқаро илмий жараёнлар билан ҳамнафас олимларни шакллантиришга хизмат қилади. Ёш олимлар учун алоҳида грантлар, докторантура квоталари ва стартап лойиҳалари ҳам йўлга қўйилган. Илмий ғояларни амалиётга татбиқ қилиб, ишлаб чиқариш билан интеграциялашда стартаплар муҳим воситага айланмоқда.

Энг муҳими, ёшлар яратилган имкониятлардан унумли фойдаланиши керак. Илм-фанда муваффақиятнинг асосий шартлари – билим, меҳнатсеварлик ва ҳалолликдир. Замонавий илм-фани, илмий адабиётлар ва халқаро ресурсларни ўрганишда тил билиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шу сабабли, ёш тадқиқотчилар нафақат ўз мутахассислигини мукаммал эгаллаши, балки хорижий тилларни ҳам чуқур ўрганиши зарур. Бу уларга дунё илмий ҳамжамияти билан бевосита мулоқот қилиш, янги билим ва технологияларни ўзлаштириш имконини беради.

Ишонаманки, яқин йилларда Ўзбекистондан дунё миқёсида тан олинадиган, халқаро майдонда бемалол рақобатлаша оладиган олимлар етишиб чиқади.

– **Газетамизда “Олам олими” рукин очилган. Унда илм-фан бўйича Нобель мукофоти лауреатлари таржимаи ҳоли бериб борилади. Ҳар йили янги рўйхат эълон қилинганда, “Қачон биздан ҳам нобелчи олимлар чиқар экан?” деб ҳавас қиламиз. Авваллари бу бир туш эди. Аммо сўнгги йилларда умид уйғонмоқда. Сизнингча, бундай натижаларга эришишда ҳал қилувчи омиллар нима?**

– Ўзбек олимлари ҳам келажақда бундай мукофотларга сазовор бўлишига ишонаман. Бироқ бу ютуқлар бир кунда ёки фақат бир олимнинг истеъдоди билан қўлга киритилмайди. Бунинг ортида йиллар давомида шаклланган илмий мактаб, замонавий инфратузилма, кучли лабораториялар ва катта ҳажмдаги инвестициялар туради.

Масалан, мен фаолият юритаётган йўналиш – металлорганик каркаслар (МОФ) соҳасини олайлик. Бу йўналиш 1990 йиллардан бошлаб жадал ривожланиб, бугунги кунда замонавий материалшуносликнинг энг истиқболли тармоқларидан бирига айланди. Ушбу соҳада фаолият юритган олимлар орасида Нобель мукофотида сазовор бўлганлар ҳам бор. Шулардан бири – америкалик олим Омар Яги. Мен 2012 йилда АҚШда стажировка ўтаганимда, Омар Яги лабораториясида бўлганман. Уша пайтдаёқ бу лаборатория дунёнинг энг истиқболли илмий марказларидан бири сифатида эътироф этилган эди. У ерда ўнлаб профессорлар, юзлаб тадқиқотчилар фаолият юритар, лаборатория ривожига йиллар давомида катта маблағлар йўналтирилди.

Шу боис, Нобель мукофоти ёки бошқа йирик илмий ютуқлар ҳақида гап кетганда, фақат якуний натижани эмас, балки унга олиб борадиган йўлни ҳам ҳисобга олиш керак. Бугун Ўзбекистонда айнан шу пойдевор босқичма-босқич қад ростлаб, мустаҳкамланиб бормоқда. Шу нуқтага назардан қараганда, Ўзбекистонда илм-фанга қаратилаётган эътибор яқин йилларда ўз самарасини беришига ишонаман. Агар келгуси йилда Нобель мукофотида даъвогарлик қилаётган ўзбек олимлари етишиб чиқса, бу катта ютуқ бўлади.

Бугун спортда, жумладан, шахматда эришаётган муваффақиятларимиз ортида қандай тизимли ишлар турган бўлса, илм-фанда ҳам худди шундай жараён кечмоқда. Илмий муҳит, моддий-техник база ва халқаро ҳамкорлик имкониятлари кенгайиб бораётгани келажақда ўз натижасини беради, деб ўйлайман. Унинг илк медалларини халқаро фан олимпиадаларида ғолибликни қўлга киритаётган ўқувчи-ёшларимизда кўряпмиз.


– **Биз ҳам Сизнинг тимсолингизда олимларимизга шарафли ва машаққатли фаолиятларида куч-қувват ҳамда барака тилаймиз! Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат.**

Васила ҲАБИБУЛЛАЕВА суҳбатлашди.



Ушбу QR-кодни сканер қилиб суҳбатни видео шаклда кўрини!

ОЛАМ ОЛИМИ



Омар ЯГИ кимё фанининг мужаддиди бўлган нобелчи

Замонавий кимё ва материалшунослик тараққиёти ҳақида сўз кетганда, Омар Яги номи алоҳида эҳтиром билан тилга олинади. У металлорганик каркаслар ва ковалент органик каркаслар соҳаларининг асосчиларидан бири. Тадқиқотлари орқали энергия, экология, сув таъминоти ва иқлим ўзгариши каби энг долзарб муаммоларга инновацион ечимлар тақлиф қилмоқда.

УМР ЙЎЛИ

Омар Яги 1965 йил 9 февралда Иорданиянинг Амман шаҳрида, фаластинлик муҳожир оиласида таваллуд топган. Болалиги оғир шароитда ўтган. 16 ёшида АҚШга кўчиб ўтиб, коллежда ўқиди.

Кимёга бўлган чексиз қизиқиши уни Албани университетига етаклади. 35 ёшида Иллинойс университетига ноорганик кимё бўйича докторлик даражасини олди. У таҳсил олишдан тўхтамади ва 2011 йилгача Ҳарвард, Аризона, Мичиган, Калифорния университетлари дипломини қўлга киритди.

Ҳозирда Калифорния университетига профессор. Беркли шаҳридаги АҚШ Энергетика департаментининг миллий лабораторияси масъул ходими.

Халқаро илмий доирада тан олинган 250 дан ортиқ мақолалар муаллифи.

ТАДҚИҚОТЛАРИ

Омар Ягининг энг катта илмий ютуғи ретикуляр кимё концепциясини яратиш ва уни амалиётга татбиқ этиш бўлди. Бу ёндашув атомлар ва молекулаларни олдиндан режалаштирилган тартибда бирлаштириш орқали мутлақо янги хусусиятларга эга материалларни олиш имконини беради.

Ушбу ғоя асосида олим металл-органик каркаслар ва ковалент органик каркаслар деб аталувчи янги синф материалларни кашф қилди. Улар улкан ички ғовакли тузилмаларга эга бўлиб, юза майдони фавқуллоҳда катта ҳисобланади. Ана шу хусусият уларга турли газлар ва моддаларни самарали сақлаш ва ажратиш имконини беради.

Янги технология ҳаводан сув йиғиш, карбонат ангидридни ушлаб қолиш, водород ва метан каби газларни сақлаш, ҳавони тозалаш, энергия сақлаш тизимини ривожлантириш, янги катализаторлар яратиш, экологик технологияларни такомиллаштириш имконини беради.

ЭҲТИЁЖ ВА ЭЪТИРОФ

Омар Яги илмий ишларидан жаҳон бўйича энг кўп иқтибос олинган беш олимдан бири ҳисобланади. Энг машҳур мақолалари “Металлорганик каркасларнинг кимёси ва қўлланилиши” (18 070 иқтибос), “Ретикуляр синтез ва янги материалларни лойиҳалаш” (11 328), “Металл-органик каркасларга кириш” (8 146) ва бошқалар.

Бу ишлар нафақат кимё соҳасида, балки материалшунослик, нанотехнология, энергетика ва экологик муҳандислик соҳаларида ҳам фундаментал аҳамиятга эга ҳисобланади.

Омар Яги улкан илмий хизматлари учун кўплаб халқаро мукофотлар, фахрий унвонлар ва академиялар аъзолигига сазовор бўлган. Илмий жамоатчилик уни замонамизнинг энг нуфузли кимёгар олимларидан бири сифатида эътироф этади.

Ричард Робсон, Сусуму Китагава билан мувофиқ тадқиқотлари учун Омар Яги 2025 йилда кимё бўйича Нобель мукофотида сазовор бўлди.

Жасмина ИСРОИЛ тайёрлади.



“Инсон гоҳ-гоҳ дуч келадиған ҳар бир муваффақиятсизликни бахтсизлик деб ҳисобламаслиги лозим. Ким билади дейсиз, балки ҳақиқий бахт кичик муваффақиятсизликдан бошланар.

Чингиз АЙТМАТОВ





ЭССЕ

ВИДО ҚЎНҒИРОҒИ

Қурбон ҳайити куни улуг устозим Иброҳим Ғафуровни ҳам табриклаб, ҳам зиёрат қилмоқ ниятида қўнғироқ қилдим. Телефонни олмади. Сўнг фарзанди Ҳумоюннинг рақамини тердим. У йўлда экани, устозни олиб бир-икки фотиҳалик жойга боришлари кераклигини айтди. Агар эртарақ қайтсак, қўнғироқ қиламан, деди. Уша куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг маданият, санъат ва адабиёт соҳалари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисидаги фармони эълон қилинган. Мукофотланганлар орасида каминанинг ҳам номи бор экан. Кутилмаганда табриклар бошланиб кетди. Мукофот топшириш маросимига бордим, устоз билан кўришиш имконияти бўлмади...

Тўртинчи июнь куни кечга яқин Юнусобод бозори ёнидаги Универсам дўконига бир иш билан борган эдим. Дўконда бежирим китоблар бўлими бор. Ҳар гал борганимда, албатта, бирор янги китоб харид қиламан. Китобларни кўздан кечираётим, Ф.Достоевскийнинг “Қиморбоз” китобига кўзим тушди. Олиб varaқладим. “Иброҳим Ғафуров таржимаси” деб ёзилган. Бу китобни аллақачон ўқиган эдим. Устознинг номини кўриб таскин топдим. Кўз олдимга устознинг нури чехраси келди. Зиёрат қилолмаётганимдан яна афсусланиб, ўн қадамча юрган эдим, кўл телефоним жиринглади. “Лаббай” дейиш билан устознинг: “Ашуржон, яхшимисиз?” деган муборак овозлари эшитилди. Беихтиёр кўзларимда соғинч ёшлари айланди. Вужудимда ёруғлик пайдо бўлди. Ҳаяжондан қайта-қайта салом бердим. Ҳайит куни ўтолмаганим учун уз сўрадим. “Ҳумоюн айтди”, деди устоз.

Телефон орқали орамизда шундай самимий соғинч суҳбати бўлиб ўтди. — Мукофот муборак бўлсин. Табриклайман! Президентимизнинг қўлларидан олганингиз жуда зўр, хайрли бўлибди. Президентимиз ҳамisha меҳнат қилган одамни қадрлайдилар. Хизматини билиб, кўриб, эътиборга олиб юрадилар. Хотиралари жуда ўткир. Бир кўрган ё ўқиган нарсасини эслаб қоладилар. Олий Мажлисда бирга ишлаган йилларда, ҳатто у кишининг хотираларига Эркин Воҳидов ҳам қойил қолган. Президентимиз — фавқуллода хотира соҳиби.

— Гапингиз ниҳоятда тўғри, Устоз. Сиз сазовор бўлган “Ўзбекистон Қахрамони” олий мукофоти ҳам Президентимизнинг

адолатпарварлигининг яққол ва юксак намунаси.

— Президентимиз Шавкат Миромонович бўлмаганларида, бу мукофот менга насиб этмас эди. Одам мукофотларни кутмасдан меҳнат қилиши, ўша меҳнатини ҳалол ва фидойилик билан адо этиши лозим. Мукофотни ҳам, мукофот берувчини ҳам Аллоҳнинг ўзи юборади... Биламан, Сизнинг ҳам ғайратингиз жўш уриб турибди. Ёзишдан, меҳнатдан, изланишдан асло тўхтаманг.

Устоз андак тин олиб, сўради:

— Етмиш йиллик юбилей ўтдимиз ё энди бўладими?

— Энди бўлади, устоз. Худо хоҳласа, сентябрь ойида.

— Навоийга ҳам бориладими?

— Навоий шахри ва Кармана туманида учрашувлар белгиланган.

Устоз яна жим бўлиб қолди-да, бироздан сўнг давом этди:

— Ашуржон, Карманага боришдан 10-15 кун олдин менга айтиб, огоҳлантириб қўлинг. Карманада бўладиган учрашувга бораман.

— Бу ниятингиз учун минг раҳмат, Устоз. Аллоҳим ўша кунларга етказсин. Сизни навоийликлар ҳам, карманаликлар ҳам жуда-жуда соғинган. Ташрифингиз улар учун байрам бўлади.

Устоз яна давом этиб сўради:

— Уюшма китобингизни чоп этяптими?

— “Танланган асарлар” режага киритилган. Уюшмамиз раиси китобга сўзбоши ёзиб беришингизни таклиф қилди. Лекин Сизга айтишга журъатим етмади, Устоз.

— Унда китобни тайёрлаб топшираверинг. Мен сўзбошини ёзиб, етказаман. Ботир Зокиров ҳақида ёзган “Юрак бўронлари”нинг тўлиқ вариантыни ўқиб чиқдим. Салмоқли асар бўлибди. Маърифий роман, деб тўғри атабсиз. Бу улуг санъаткордан қолган жозибадор миллий санъатимиз маърифатини тарғиб этадиган, янги авлодларга миллий эстрадамизнинг бетакрор мактаби сабоқларини берадиган ибрат китоби бўлибди. Китобнинг ҳар бир саҳифасида Ботир Зокировнинг зиёли қиёфаси намоён бўлиб турибди. Санъаткорнинг бошидан кечирган оғир машаққатлари ва чеккан турфа азоблари ёрқин, ҳаётий воқеалар орқали таъсирчан очиб берилган. Топган услубингиз яхши ва ёзишга қулай. Китобхонни қийнамайди, тез ҳазм бўлади... Ҳикоялар китобингизни ўқияпман. Номини яхши топибсиз: “Дўпписи йўқ дунё”. “Конверт одам” ҳам яхши, ўқиладиган асар. У ҳақида ҳам фикр-



ларим бор. Одил Ёкубов, Неъмат Аминов ҳақидаги китобларингизни ҳам ўқиб қўйганман... Насиб этса, сўзбошини тайёрлаб бераман...

Устознинг мени ҳаяжонлантирган бу бебаҳо ва теран фикрлари қозғога тушмай қолган сўзбошининг аниқ режалари эди...

Кейин устоз суҳбат орасида ўтган йили Хоразмга қилган ижодий сафаримизни ёдга олди:

— Хоразмдаги учрашувлар жуда яхши бўлди. Огоҳий (ҳа, айнан шундай дердилар) бобонинг боғи, музейида бўлган жонли суҳбатлар ҳамон ёдимда. Шоир номидagi ижодий мактабдаги ёшлар билан қизгин учрашувлар... Худо хоҳласа, Карманада ҳам шундай самарали учрашувлар қиламиз.

Шу ўринда бир савол оғиз ҳаёлимда чарх уради. Устоз нечун Карманани бунчалар севади, нечун меҳр билан соғинади? Бир гал Карманада бўлган бир учрашувда: “Карманада бебаҳо хазиналарнинг устида югундай буламан”, деган эди. Ҳар сафар борганимизда Карманани алоҳида бир соғинч ва меҳр билан зиёрат қилади. Бу соғинчнинг сир-синаоти нимада экан?!

Устоздан бу ҳақда сўрай олмадим. Сўрашга журъат топмадим. Жавоб қиёматга қолди...

Устоз билан юракдан бўлган бу самимий, ҳаяжонли ва соғинч суҳбати ярим соатдан ортиқ давом этди. Бундан устознинг соғлиги яхши экан, деб хурсанд бўлдим. Гап орасида: “Шу кунларда бориб, Сизни зиёрат қиламан, устозим”, дедим. У киши бироз ҳафсаласизлик билан: “Телефонда гаплашиб турибмиз-ку”, деди. Бу сўзлардан хавотирга тушиб, яна ният қилдим: “Устоз, соғлигингиз яхшими, оғриқлар анча босилгандир. Худо хоҳласа, соғайиб кетасиз”.

Устоз яна жим бўлиб қолди. Оғир хўрсинишдан сўнг: “Оғриқ доим безовта қилади. Бу шундай чидаб бўлмас оғриқки, сўз билан унга таъриф тополмайсиз... Хайр, саломат бўлинг, Ашуржон! Худо етказган кунни хурсанд бўлди. “Ака, мен ҳам устозга ҳамроҳ бўлиб Карманага бораман”, деб ният қилди. Иккимиз ҳам Аллоҳдан устозимизга соғлиқ ва умр тиладик. Орадан бир кун ўтиб, 6 июнь пешиндан сўнг... Ёзолмайман. Қаламининг жони йўқ. Тил калимага бормайди. Муҳаммад Сиддиқ қўнғироқ қилди. Ово-зи жуда хаста ва қайғули:

— Ака, айтолмайман... Устоздан айрилиб қолдик...

Уша куни телефонда бўлган суҳбатимиз ярим асрлик улуг устозим, маънавий тоғим Иброҳим Ғафуров билан сўнгги видолашув қўнғироғи экан. Ўлим ҳамиша ҳақ, банда эса ҳар доим оғир...

Таникли адбимиз Хайриддин Султоннинг “Мутафаккир. Башорат ва Васият” номли изтироб билан ёзилган мақоласида Президентимизнинг Иброҳим Ғафуров ҳақидаги теран фикрлари жуда ўринли ифодаланган: “Иброҳим Ғафуров тимсолида мен бутун ҳаётини, маънавият, маърифат равнақи-га бағишлаган фидойи, ҳалол, камтарин бир инсонни кўра эдим. У киши ўзи севган, ихлос қўйган буюк Навоий бобомиз каби юраги пок, олижаноб, матонатли шахс эди”. Бу теран ва юксак баҳо Иброҳим

Ғафуровни яқиндан билган, таниган, у кишидан сабоқлар олиб келаётган шоғирдлар, мухлислар ва минглаб китобхонларнинг ҳам самимий дил иқроридир.

Телефондаги сўнгги суҳбат видолашув эканини англаб, ҳануз ўзимга келолмайман. Нега шу сўзларни юзма-юз гаплашмадик? Телефондаги овоз сокин, ёқимли, лекин дардли эди. Бу мўътабар овоз шошмас, баъзи-баъзида эҳтиросларга тўлганида, бироз юқори пардаларда жаранглр эди. Бу ҳаяжон дарди эди.

Бу салобатли овоз тўла дард эди. Бу адабиётнинг дарди, миллатнинг дарди эди. Ҳеч бир замонда товланмайдиган чин зиёлининг чин дарди. Ҳар бир замоннинг жадиди юрагидаги боқий дард эди.

Сўнгги суҳбатимиздан қуйидаги дардли мисралар қозғога тушди:

Бир юрак завқ-шаёқ,

қувонч учун яралади,

Бир юрак кайф-сафо,

ишрат учун яралади,

Бир юрак ғам-кулфат,

дард учун яралади.

Иброҳим Ғафуров китобнинг чин дўсти, садақатли мухлиси ва қадрдони эди. Ўзининг айтишича, у 6-синфдан китобни англаган ва умрбод у билан қиёматлик дўст бўлган — заҳматкаш боғбон серҳосил боғ яратганидек, қурувчи-уста мустаҳкам бино қурганидек, фазогир сайёраларни забт этганидек.

Устоз таҳрир устаси, сўз заргари эди. Асарларни, қўлёзмаларни ўта нозиклик ва синчковлик билан, сўзларнинг ҳурматини ўрнига қўйиб таҳрир қиларди. Бу заҳматли меҳнатини айрим таҳрири муҳаррирларга ўхшаб, муаллифнинг юзига солмас эди... Ва бу эзгу иши билан асло мактанмас ва миннат қилмас эди. Рўй-рост атай, эллик йиллик иш фаолиятини давомиди устоздек заҳматкаш, фидойи, ҳалол муҳаррирни кўрмадим. У киши туғма матбуотчи ва ношир эди. Бу соҳаларда Иброҳим Ғафуров ўзининг ижод мактабини аллақачон яратгани ҳаммамизга маълум.

Бу юксак истеъдод соҳиби таржимонларнинг сардори, адабиётшуносларнинг саркори, замонамизнинг етук мутафаккири ва Ўзбекистоннинг чин Қахрамони эди.

У буюк қўнғил фуқароси эди.

Устоз “Зардуштнинг қўнғили” мансурасида ёзади:

“Навоий — қўнғил, Ҳофиз — қўнғил,

Конфуций — қўнғил.

Ҳаммаси — қўнғил.

Қўҳна гил — бу қўнғил.

Хоразмийлар кўҳна гил

дейди қўнғилни.

“Аслинг билсан, обу гил...”

О, бу ҳассос Яссавий...

Балки қўнғил — Худонинг макони...

Аҳадият, Самадият,

Ваҳдоният макони...”

Қўлогимда ҳамон видео қўнғироғи...

Ашурали ЖўРАЕВ,
“Меҳнат шуҳрати” ордени соҳиби

Бошланиши 1-саҳифада.

Шу маънода, уйғоқ жамият — барқарор жамиятдир. Ўз тақдирига дахлдор инсонлар ашайдиган мамлакатнинг келажаги эса ишончли бўлади.

Аслида, бу ҳақиқат янгилик эмас. Миллат тақдир, аввало, унинг маърифати билан боғлиқ эканини жадид боболаримиз бир аср муқаддам таъкидлаган эди. Чўлпоннинг “Миллатни уйғотиш — уйғонганларнинг вазифаси” деган сўзларида, Ибрат домла “ўламо ғайрат эткандан миллат албатта ислоҳ топиши”ни таъкидлаганида, Фитрат, Авлоний, Беҳбудий боболаримиз бир зум бўлсин уйғоқлик масъулиятини эслатишдан тўхтамагани моҳиятида ана шу ҳақиқат, дахлдорлик ҳисси эди.

Бугун мустақиллик тушунчаси янги мазмун билан бойиб бормоқда. Илгари бу атамга кўпроқ сиёсий эркинлик, давлат суверенитети ёки чегаралар дахлсизлиги билан изоҳланган бўлса, бугун ҳаётнинг ўзи унинг маъносини кенгайтирмоқда. Чунки мустақиллик фақат байроқ ёки чегара эмас, инсоннинг фикрлаш тариқи, ахборотни қабул қилиш маданиятида, ўз келажагини ўзи белгилай олиш қобилиятида ва, энг муҳими, жамиятдаги ишонч муҳитида намоён бўлади.

Шу жиҳатдан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 35 йиллигини кенг нишонлашга тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарори юртимиз ҳаётида муҳим сиёсий-маънавий воқеа сифатида баҳо-ланаётгани бежиз эмас. У мустақиллиكنинг босиб ўтилган йўлини қайта баҳолаш, бугунги ютуқларни англаш ва унинг мазмун-моҳиятини



ёш авлод онгига синдиришга қаратилган муҳим ғоявий ҳужжатдир.

Мустақиллиكنинг қадрини англаш учун ҳаётимиздаги ўзгаришларга ҳолис назар ташлашнинг ўзи кифоя. Сўнгги ўн йилликда мамлакатимизда амалга оширилган ислохлар миллионлаб инсонлар тақдирини ўз аксини топмоқда.

Бир пайтлар олийгоҳга ўқишга кириш кўпчилик учун ушалмас орзу бўлиб туюларди. Бугун эса бир оиланинг ўзида икки ёки уч нафар фарзанд турли олийгоҳларда таҳсил олаётганини кўриш одатий ҳолга айланди. Илгари баъзи жойларда “Қиз болага ўқишни ким қў-

йибди?”, “Ўқиб олим бўлармиди?”, “Ўқиб шаҳар олиб берармиди?” деган гаплар қулоққа чалинган бўлса, бугун қизларимиз тиббиёт, ҳуқуқшунослик, ахборот технологиялари, халқаро иқтисодиёт каби соҳаларда ўқиб, муваффақиятли фаолият юритмоқда.

Тадбиркорлик соҳасидаги ўзгаришларга назар ташласак, мустақиллиكنинг амалий самараси янада яққол кўринади. Бир вақтлар кичик бизнес бошлашнинг ўзи катта қийинчиликлар туғдирарди, бугун хусусий ташаббус иқтисодий тараққиётнинг муҳим ҳаракатлантирувчи қучларидан бирига айланган. Энг

ҚАЛБ УЙҒОҚ БЎЛСА...

муҳими, одамларда “иш излаш”дан кўра “иш яратиш”га интилиш кайфияти шаклланиб бормоқда. Бу эса ҳар қандай жамият тараққиёти учун муҳим кўрсаткич. Чунки тадбиркорлик даромад манбаи бўлибгина қолмай, инсоннинг ўз кучига ишониши, ташаббус кўрсатиши ва жамият тараққиётига ҳисса қўишининг ҳам амалий ифодасидир.

Ёки хорижда ўқш имкониятини олайлик. Бир пайтлар жадид боболаримиз миллатни тараққий эттириш умидида ёшларни Германия, Туркия каби давлатларга ўқишга юборган эдилар. Аммо тарихнинг шафқатсиз синовлари туфайли уларнинг кўп орзулари рўёбга чиқмади. Бугунги авлод эса мутлақо бошқа шароитда яшамоқда. Ёшларимиз дунёнинг етакчи университетларида таҳсил олиб, халқаро тажриба орттириб, ўз билими ва салоҳияти билан мамлакат тараққиётига ҳисса қўиши имкониятига эга.

Албатта, ҳар қандай тараққиёт йўлида муаммолар ҳам бўлади. Ҳаётдаги ижобий ўзгаришлар билан бира, жамият учун хавф туғдириши мумкин бўлган салбий ҳолатлар ҳам учраб туради. Бефарқлик, миллий қадриятларга лоқайд муносабат, ёшлар тарбиясидаги масъулиятнинг сусайиши каби ҳолатлар баъзан очик, баъзан яширин кўринишда намоён бўлади. Энг хавфлиси, бундай ҳолатларни кўриб кўрмаганликка олиш, уларга нисбатан

томошабин бўлиб қолишдир. Чунки жамиятдаги ҳар қандай иллат вақт ўтиши билан умумий келажаққа таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳам фаол фуқаролик позицияси бугун ҳар қачонгидан кўпроқ муҳимдир.

Баъзан ижтимоий тармоқларда давлат ва жамият тараққиётига нисбатан турли кескин муносабатларга дуч келамиз. Бундай фикрлар таҳлилдан эмас, ҳиссиётдан туғилади. Муаммоларни инкор этиш ҳам, уларни бўрттириб кўрсатиш ҳам нотўғри. Жамият тараққиёти учун танқид керак, аммо у яратувчан бўлиши, ечим излашга хизмат қилиши лозим.

Кузатишимизча, бугун дунёдаги кўплаб зиддиятлар илдизиди ишонч инқироизи ётибди. Инсон сонга ишонмайди, жамият ўз имкониятларига ишонмайди. Бу эса ташқи таъсирлар учун қулай муҳит яратди. Ички мувозанати мустаҳкам бўлган жамиятни ташқи қучлар издан чиқариши қийин. Аммо ўз кучига ишонмайдиган жамият ҳар қандай таъсирга мойил бўлади.

Шу нуқтаи назардан қараганда, мустақиллиكنи асраб-авайлаш фақат давлат институтларининг вазифаси эмас. У, аввало, ҳар бир инсоннинг ички позициясига боғлиқ. Агар инсон ўзини мамлакат ҳаётидан четда деб билса, у ахборотни ҳам, воқеликни ҳам бефарқ қабул қилади. Агар ўзини шу жараённинг иштирокчиси деб ҳис қилса, у ҳар



Бегдават АЛИЕВ,
фалсафа фанлари доктори,
профессор

бир воқеага масъулият билан муносабат билдиради.

Шунинг учун ҳам, бугунги кунда жамиятимиздаги энг муҳим вазифалардан бири — дахлдорлик маданиятини шакллантиришдир. Бу маданият фақат қонун ёки қарор билан яратилмайди. У оилада, таълим муассасасида, меҳнат жамоасида, маҳаллада ва инсоннинг кундалик ҳаётида шаклланади. Инсон қандай муҳитда яшаса, шундай фикрлайди.

Дунёдаги ҳар қандай ўзгариш инсон онгидан бошланади. Агар онг уйғоқ, фикр мустақил бўлса, қалбда масъулият ҳисси яшаса, жамият ҳар қандай синовдан муносиб ўтади. Аксинча, бефарқлик ва маънавий сустлик устун келган жойда энг катта имкониятлар ҳам ўз қадрини йўқотади.

Шулардан келиб чиқсак, бугунги беқарор дунёда энг катта куч — уйғоқ инсондир. Ўз ўрнини англаган, мустақил фикрлайдиган ва ўз жамияти тақдирига дахлдорликини ҳис қиладиган инсон. Ана шундай шахслари кўп бўлган жамият барқарор, эртаси мустаҳкам бўлади.




АДАБИЙ ТАҲЛИЛ

XIX аср адоғи ва янги аср бошида миллат онг-шуурида юз кўрсатган миллий уйғониш 20-30-йилларга келиб мустабид тузум томонидан бўғиб ташланди. Миллий зиёлиларимизнинг энг саралари маънан, сўнг жисмонан маҳв этилди. Буюк Чўлпон “XX аср” деб аталган тўрт-лигида ёзганидек:

Бу эмиш: билги — фан,
хунар асри,
Бу эмиш: юксалан башар асри.
Ҳодисот ўйла ёўстарарки,
бу аср
Ёлғуз: шарр ва шарр ва
шарр асри!..

Бундай даромаддан мақсад таникли актёр ва режиссёр Дилором Каримованинг “Пўртана” (Аждаҳо комида) асари ҳақида фикр юри-тишдир.



ОТА ҲАҚИДА МУНГЛИ ҚЎШИҚ

Асар буюк ва жабрдийда шоиримиз Чўлпоннинг аёвсиз, алғов-далғов 1920 йили ёзилган “Пўртана” шеъри билан ҳамоҳанг, ушбу шеър асарда кўрсатилган ва тасвирланган воқеалар юрак уришининг график тасвири, балки кардиограммаси янглиғ. Шеърнинг асарда келтирилган илк банди ва охиrhoғидан олинган тўлиқсиз мисра — “Бу — махшар, қиёмат, пўртана!..” бутун асарнинг бадий-ғоявий ва ритмик-эмоционал йўналишини белгилаб туради гўё.

Асарда Тошкент музофотида яхшигина нуфузга эга бўлган, инсофдиёнатли бой Иброҳим ҳожи, унинг фарзанди ва катта раҳбарининг XX аср бошидан то 70-80-йилларгача бўлган даври тасвирланади. Асар тўрт қисм, “Хотима” ва “Сўнгсўз”-дан ташкил топган, ҳар бир қисми композицион яхлитликка эга ҳамда оиланинг Иброҳим ҳожидан тортиб, унинг невараларигача бўлган вақиллари ўқувчи тасаввури ва кўз ўнгига кетма-кет намоён бўлади. Лекин бир мотив борки, у асардаги бутун тасвир ва воқеаларни ҳалқа тарзида ту-таштиради.

“Отам Абдумалик Иброҳимов хотирасига бағишлайман” деган ёзувга монанд асар оғир тузалмас дардга чалинган отанинг касалхонадаги аҳволи тасвири билан бошланиб, унинг ўлими билан якунланади. Ушбу моти-вив асарнинг мазмун структураси учун пролог ва эпилог вазифасини ўтайди.

Ҳар бир қисм аниқ юкламага эга. Биринчи қисмда прологдан ташкари, совет ҳукуматининг дастлабки йиллари Иброҳим ҳожи ва унинг хо-надони, таниш-билишлари тақдирини орқали очиб берилади. Мазкур қисм-да Иброҳим ҳожидан ташқари икки камбағал йигит — Жўра ва Мамат-қул образлари эсда қолади. Жўра Иброҳим ҳожидан яхшилик кўрган, буни қадрлайди ва ҳожи “камбағал-парвар” ҳукумат томонидан қамоққа олинганда, собиқ хизматкорларга бош бўлиб, бойни хибсдан олиб чи-қади. Маматқул ҳам бойдан яхши-лик кўрган, лекин у буни тез унут-ди, янги ҳукуматнинг фаол арбобига айланиб, диёнәтсиз тузумнинг қа-тағонларига бош бўлади. У нимаси биландир машҳур рус адаби Михаил Булгаковнинг “Итйорак” қиссасидаги Шариков образини эслатади. Диёнәтли Жўрақул Маматқул томонидан ўлдирилгач, тасвирдан чиқади, ле-кин Маматқул бутун асар давомида муаллифнинг диққат-этиборида ту-ради. Бу персонаж асарнинг энг ёр-қин салбий образларидан бири, кўп жиҳатлари билан мустабид совет ту-зумининг типик вақили ва ўзига хос рамзидир.

Нега айнан шундай палид одам-лар гуллаб-яшнади ва томир олди бу даврда? Образ емирилган тузумга ўқилган маънавий ҳукм каби ҳойна-ҳой. Ушбу образ талқини борасида муаллиф билан баҳслашиш мумкин. Маматқул қилғилиқни қилиб, талай оилани хонавайрон этиб, ёстигини қури-тиб ҳам, бола-бақралари ардо-ғида қариб-чуриб дунёдан ўтади. Фарзанду набиарларининг эса ҳа-лиям ишлари “беш”.

Бизга бадий асарнинг маънавий ҳукми охирига етмагандай, ёмонлик жазоланмай қолаётгандек туюлмоқ-да. Бадий асарда, ҳатто ҳаётда шундай бўлган тақдирда ҳам, ёмон-ликни жазосиз қолдириш ярамайди.

Шоҳ ва шоир Бобурнинг “Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо топқусидир” де-ган фикри буткул умумий мавқега эга. Саодатли ҳаёт кечирган ўша маматқулларнинг муаллиф кўрма-ган, сезмаган кўргиликлари бўлиши муқаррар. Шайтони лаин уларни ўз қабиҳ йўлига бошлар экан, уларга ва авлодларига мудом бахтли ҳаёт ка-фолатини бермайдими...

Иккинчи қисм асарнинг бош қаҳра-мони улғайган, тарбия топиб шакл-ланган муҳит, тарихий ҳужжатлар асосида даврнинг жафокаш қаҳра-монлари Беҳбудий, Фитрат, Қоди-рий, Мунаввар қори, Чўлпон, Элбек ва бошқалар иштирокида кечган во-қеалар, суҳбату мунозаралар орқали тикланади. Сиртдан қараганда, бу тасвир — воқеалар бош қаҳрамон ҳаётига бевосита боғлиқ бўлмага-ни учун ортиқчадек туюлади, лекин чуқурроқ қаралса, бу қисм совет хо-кимиятининг дастлабки йилларида миллатпарвар зиёлиларимиз онгида кечган фикр-мулоҳазалар, қийноқли саволлар жонли тарзда, драматик услубда тиклангани билан алоҳи-да қийматга эга экани аён бўлади. Мазкур қисм ушбу жиҳати билан ўша давр ўзбек зиёлилари ҳаёти тасви-рланган Абдулла Қаҳҳорнинг “Сароб” романини ёдга солади. Аммо икки орада жиддий бир фарқ бор. “Са-роб”да миллатпарвар зиёлиларимиз қора бўёқларда салбийлаштириб тасвирланган бўлса, “Пўртана”да уларнинг улғувор, жабрдийда ва фоже образлари гавдалантирилган-ни, нур устига нурдир.

Ушбу қисмда “муаллиф”нинг (қў-тирноққа олишимизга сабаб, у ҳам асардаги образлардан бири) ишти-роки нисбатан кўпроқ. У тарих ҳа-қида, совет тузумининг чин моҳияти ҳақида чуқур мулоҳаза юритади. Ма-салан: “Коммунизм ғоясининг мағлу-бияти, қизил империянинг шарман-даларча қулаши ҳеч бир салтанат ҳалокати юзага келтирмаган руҳий, ахлоқий таназзулни туғдирди: гўзал орзу-ниятлар масхараланди, эзгулик гумон остида қолди, тенглик деган тушунча йўқолди. Инсон зиёиси би-лан эмас, бойлиги билан қадрлана бошлади... Бойлик тагин тахтга мин-ди. Дунё яна бир чаппасига айла-ниб тушди...” Шекспирнинг машҳур 66-сонети ёдга тушмаяптими, азиз китобчи? Агар “ширин ёлғон ёмону атиқчи ҳақиқат яхши” бўлса, унга чи-дашимиз, ҳазм қилишимиз лозим, шекилли.

Асарнинг жанри ҳақида икки оғиз сўз. Машҳур адиб ва назарийчи олим Ю. Тинянов “Кино асослари ҳа-қида” мақоласида: “Кинороман билан одатдаги роман ўртасидаги кескин фарқ фақат асар материалида эмас, балки услуб ва тарҳ — бичим қон-иятлари санъатнинг барча тур ва жанрлари учун ягона ва бирдай қў-лаш мумкиндай туюладиган ҳамма унсурларни кинода қайтадан шакл-лантиради”, дея қайд этган. “Пўр-тана” кинороманида ҳам пьесадаги каби диалоглар, романдаги каби тасвирлар, “муаллиф” номи ости-да баён этилган ҳаётӣй, фалсафий фикр-мулоҳазалар кинороманнинг борлиқ вужудини барпо қилади.

Учинчи ва тўртинчи қисмлар эса бевосита бош қаҳрамоннинг қув-гинди, азобли ҳаётига бағишланган. Муаллиф отасини шу қадар севади, ардоқлайдики, дунёга, воқеликка, ат-рофдаги одамлар, она, буви, амма,

сингил ва укага айнан ушбу муҳаббат шуъласида баҳо беради: ё севади, ё нафратланади. Бу буви (она тараф-дан) бўладими, туғишган сингил бў-ладими, ҳатто она бўладими, фарқи йўқ. Фақат туққан онасини беихтиёр кечиради, бу ҳам анча йиллар ўт-гач. Кўзлари хиралашиб қолган кек-са онанинг радиодан таъсирли қўй тинглаб, боладек лаблари титраб, кўзларидан дувиллаб ёш оқганини кўрган муаллиф шундай “тўкилади”: “Қалбимнинг бир бурчагида доим сақланиб келган айбномани йиртиб ташладим. Мен шу дамдан эътибор-ан онамни мутлақо айбламай қўй-дим”. Айтиш жоизки, зиддиятли эса-да, асарда онанинг фоже ва бадий гўзал қиёфаси яралган. Бу гаплар ки-нороман хотимасидан олинди. Унда асарнинг барча қаҳрамонлари ҳаёти ўзига хос якун топади. Отанинг тилаб олган якка ўғли, муаллифнинг укаси Ҳасаннинг тақдирини нақадар таъсир-чан, фожияли. У ота тақдирининг аянчли инъикосига ўхшайди гўё.

“Сўнгсўз” киноромани муносиб якунлайди. Шу ерда бир фикрни келтирмасдан ўтолмадик: “Отам бой ўғли бўла туриб бойликка ружу қўймади. Мол-давлатнинг лўттибоз фалсафаси билан чиқишолмади. Шунга қарамай, отамдек пок инсон-нинг қадрига етмаган, уни эзган, топ-таган риёкор тузумни лаънатлайман. Лекин у сингилан, ишонган ғояга мен ҳануз синаманам. Бу йўлда жон фидо қилганларни улуғлайман”. Бу дўппи-ни олиб қўйиб ўйлайдиган, мулоҳаза юритишга аризлир фикрлар, бутун бир авлодни қийноқ-изтиробга со-ладиган, чинакам зиёли онгида та-лоўтп кўзгайдиган мулоҳазалардир. Кинороманда кадр спецификаси ва тасвир қонуниятлари бирлашади, омухталашади. Булар ёнига публи-цистик таҳлил қўшилади. Натижа-да катта бир давр ҳам кинодагидек тасвирли, ҳам публицистик мақола-дагидек фалсафий фикрли тарзда намоён бўлади. Бу уч оқим табиӣй йўсинда бирлашиб, китобхонни жо-зиб бир нуктада тўтиб туради.

Сиртдан оилавий романдек тую-ладиган асар ўзбек миллатининг XX асрда кечган талотўп, фожияли ҳаётини ҳам бадий-фалсафий, ҳам публицистик пафос йўсинида ифода этганки, бу инсон манфаатлари чи-накам қадрияти айланган ҳозирги кунимиз учун ушбу роман нақадар тансиқлигини англатади. “Пўртана” шеъри билан бошланган асар пўр-тана ҳақидаги диалог билан якун топади. Айтиш жоизки, бу самовий образ кинороман учун марказий бош метафорага айланган. Атоқли адибимиз Асқад Муҳторнинг “Давр менинг тақдиримда” номли романи бор, биласиз. Дилором Каримова ўз кинороманида ота (бобо ва боболар) тақдирини тасвирлаш орқали бутун бир даврга баҳо беришга, унинг қул-фат-фожиасини очишга интилади. Муайян даражада бунга эришадди ҳам. Фикрларимизнинг ҳақ-ноҳақ-лигини баҳолаш сизга ҳавола, азиз китобхон. Айтилганлардан келиб чиқиб, сарлавҳадаги фикрни хулоса ўрнига қўямиз: “Пўртана (Аждаҳо комида)” — ота ҳақида мунгли қўшиқ, бир пайтнинг ўзиде, аёл қалби ва эр-как ақли билан битилган асардир.

Сувон МЕЛИ,
филология фанлари номзоди

КЕЛАЖАК ОВОЗИ

“Ғолиби инсон бўлгани келади”

Абдулла Қодирий номидаги ижод мактаби ўқувчиси
Самариддин ҚОДИРИЙ билан суҳбат

— Самариддин, Сиз мумтоз адибимиз Абдулла Қодирийга эвара бўласиз. Ҳабибулло Қо-дирийнинг ўғли Шеркон Қоди-рийнинг кенжа фарзандисиз. Катта бобонгизнинг илк ижодий иши йигирма ёшида матбуотда эълон қилинган экан. Сизнинг эса ўн саккиз ёш арафасида би-ринчи китобингиз нашр этилди. Таҳририятимиз томонидан ўт-казилган “Жадид бобомга мак-туб” танловида мактубингиз ижобий баҳоланган эди. Отан-гиз ва бобонгиз ижодида хоти-ранавислик устунлик қилади. Сиз эса насрда қалам тебратар экансиз. Бунинг сабаби нима-да?

— Мақола ва ҳикояларимнинг газеталарда чоп этилаётгани, ёш бўлишимга қарамай, илк китоби-минг чиқишини уйимиздаги ижо-дий муҳит ва юртимизда ёшларга яратилаётган шарт-шароитлар туфайли, деб биламан. Қондан ўтган томонлари ҳам бор, албат-та. Лекин ундан жуда катта масъ-улият тушади елкамга. Чунки “бо-босига тортган” деган эътирофга муносиб бўлиш ҳаёли ёзишга қўй-майди. Шу боис, буни қизиқиш ёки ҳавас дейиш — ўнғай.

Китобимга келсак, уни “Меҳр” деб номлади, йигирмата ҳикоям эълон қилинди. Бу ҳикоялар ёзи-лиши, тўплалиши ва китоб ҳолига келтирилишига ижод мактабиди-муҳит, устозлар эътибори сабаб бўлди. Амманинг қизи Нозима-нинг ҳам кичик ҳикоя ва мақола-лари “Тонг юлдузи” газетасида эълон қилинапти. Иккимизнинг ҳам режаларимиз, ниятларимиз улкан. Катта асарлар ёзишни ният қилганман. Қодирий насабини оқ-лашга астойдил ҳаракат қиламан.

— Ҳар қандай ижодкор илк машқини ёзиш учун қўлга қа-лам тутган лаҳзани унутмайди. Сиз ижодни қандай бошлаган-сиз?

— Олмазор туманидаги 326-сон-ли умумтаълим мактабининг 4-синфда ўқирдим. Синфдоши-миз Ойбек уйга берилган вазифа-ни бажармагани учун партадо-шидан қўчириб олди. Лекин устоз “Ким уйга берилган топшириқни бажармаган бўлса, ўрнидан тур-син”, деганида у ҳам турди. Ўқи-тувчи дафтарини кўрганида, ва-зифа бажарилган турарди. Шунда у мард бўлиб айбини тан олди: “Меҳнатни бошқа биров қилди, мен тайёрини кўчирдим”. Бу мен-га таъсир қилди ва шуни қўғозга тушириб, устозимга кўрсатдим.

Устоз онамни чақириб, “Ўғ-лингиз ҳикоя ёзибди”, деб бериб юборганда онам ўз навбатида да-дамага етказган. Дадам қувониб, ўзининг устози деб биладиган таниқли ёзувчи Тоҳир Маликни-кига олиб борди. У киши ҳам ёз-ганимни ўқиди ва кўп варақлик катта дафтар билан антиқа ручка совға қилди. Боболарга атаб қи-ярилган китобларни кўпроқ ўқишим кераклигини айтди. Ўзимда йўқ хурсанд бўлдим. Кетаётганимиз-да: “Болам, бунга ҳикоялар ёзинг. Кейинги сафар дафтарни тўлди-риб келинг”, деб тайинлади.

Ҳеч қанча ўтмай, биринчи маш-қим “Тонг юлдузи” газетасида “Камчилигимни тан олдим” сар-лавҳаси остида эълон қилинди. Ўша пайтдаги бахтиёрлигимни сўз



билан тасвирлаб бера олмайман. Лекин бир нарсадан ҳайрон эдим: ҳикоя остида “Қодиоров Самарид-дин” деб ёзилганди. Дадам буни “Қодирий” деб тахаллус қўйишим-га ҳали а-а-анча борлиги билан изоҳлади. Шунда мен келажақда нимага эришсам, Қодирий бобом-нинг ҳурмати ортидан эмас, ўз кучим, ҳаракатим ва иқтидорим билан эришишим зарурлигини англадим.

— Бир пайтлар тожикистон-лик бир киши “Ўткан кунлар” романини бошдан охир ёд би-лиши ҳақида ўқигандим. Ўтқир Ҳошимов ҳам спортчи йигит романдан саҳифа-саҳифа ёд айтиб берганини эсдаликлариде-кайд этган. Янги ва бошқача фикрлайдиган авлод вақили сифатида катта бобонгизнинг асарларини қай даражада муто-лаа қиласиз?

— 10-11 ёшлар эдим, бобомиз-нинг машҳур “Ўткан кунлар” ва “Меҳробдан чаён” романларини ўқимоқчи бўлганимда, дадам: “Ўғ-лим, Қодирий асарларини ўқиш-га ҳали биров ёшлик қиласан. Бу адабиёт дурдоналарини ўқиш учун маънавий-руҳий тайёргарлик керак”, деган эди.

2021-2022 ўқув йилида улғу-ниятлар билан Абдулла Қодирий номидаги ижод мактабига ўқишга кирдим ва бобомиз ижодини ўр-ганишга қизиқишим янада ортди. Чунки бу ерда тенгдошларим Қо-дирий асарлари юзасидан қизгин баҳс-мунозаралар қилишарди. Мен эса улар билган нарсаларни ҳали билмасдим. Бир ҳисобдан бу ҳам яхши бўлган экан. Чунки бу ерда икки йил таълим олиб, китобхонлик маданиятимни шакл-лантирдим. Икки романини эса ин-тизорлик тарта-торта, ўзимни тай-ёр ҳис қилгач, муталаа қилдим. Ҳалигача икки буюк асар шавқи ва дарди мени тарқ этмаган.

Катта бобомизнинг ҳамма ёз-ганларини топиб ўқишга ҳаракат қиляпман. Оилавий йигинлари-мизда ҳам суҳбатларимиз кўпинча у кишининг асарлари ҳақида бў-лади. Айниқса, “Ўткан кунлар”ни ўқиганимда, худди катта бобом-нинг озгидан эшитгандай ҳис уй-ғонади. Шунинг учун тез-тез холи қолиб, ички бир соғиниш ва кўм-саш билан романдан ўзимга ёққан бобларни хатм қиламан.

— Қодирий илк адабий фао-

лиятини “газеталарни ўқуб” бошлаганини ёзиб қолдирган. Сиз эса ахборот технология-лари ва сунъий интеллект та-раққий этган даврда яшаяспиз. Матбуот варақлашга вақт ва хо-ҳиш топиладими?

— Албатта, топилади. “Тонг юлдузи” газетасида қаёқ-тан шеърлар, ҳикоялар, мақолалар-ни мунтазам ўқиб бораман. Чунки ўзимга тенгдош йигит-қизларнинг ижодини кузатишим шарт, деб ҳисоблайман. Бундан ташқари, дадам “Jadid” газетасининг ҳар бир сонини ўқиб боради, яхши ма-қолаларни ўқиб чиқишимиз учун тавсия қилади. “Янги Ўзбекистон” газетасини ҳам кузатиб борамиз.


— Жавоб беришингизни куза-тиб, “сўз сўзлашда ва улардан жумла тузишда узоқ андиша керак”, деган сатрлар ёдими-да тушди. Сўнги савол: адабий майдондаги келажагингизни қандай тасаввур этасиз?

— Боя айтганимдай, биринчи ижодий ишимни ёзувчи Тоҳир Ма-ликка кўрсатганимиз. Кейин ҳам у кишининг суҳбатига кўп марта бор-дик. Тоҳир Малик ҳар гал менга алоҳида эътибор қаратар, дадам қолиб мен билан суҳбатлашишга вақт ажратар, ёзиш қобилиятини ривожлантиришим учун руҳланти-рар эди. Ҳозирда республикамиз-нинг болалар ва ўсмирлар наشري бўлган “Тонг юлдузи” газетаси бош муҳаррири Феруза Одилова менга ҳаваскорлик машқларимни тахрирлаш ва чоп этишда кўпдан-кўп ёрдам берапти. Газета саҳи-фаларида ёзганимни минглаб тенгдошларим ўқийди. Ўзимни уларнинг олдида яхшироқ ёзишга бурчлиман, деб биламан.

Ниятим — олий ўқув юртига ки-риб, жадидларимиз истагандек замонавий илмларни ўрганиш ва Ватанимга фойда келтириш, боболаримизга ҳар томонлама муносиб бўлиш. Абдулла Қоди-рийнинг эвариса эканим, ҳам мен-га, ёзанларимга шунчалик меҳр кўрсатган устозларим ишончини оқлашим учун яхши инсон бўли-шим керак, деб ўйлайман. Мени Қодирий бобомга қиёслашса ёки у кишидай бўлишимни айтишса, рости, жуда хижолат бўламан. Мен ота-ўғил Юсуфбек ҳожи ва Отабекдай миллатпарвар, ватан-парвар, зиёли инсон бўлишни истайман. Катта бобом қоралаган иллатлардан узоқ бўлишга ҳара-кат қиламан. Қолганини вақт кўр-сатса керак.

— Самариддин, Сизнинг эзгу ният ва мақсадларингизга ети-шингизда тилақдошмиз! Ўқи-шингиз ва ижодингизда омад тилаймиз!

Муҳайё РУСТАМОВА
ёзиб олди.



“Доймо ҳаракатда бўлиш керак. Чунки, тўхтаганинг ўтиргиси ке-лар. Ўтирганинг ётгиси, ётганининг ухлагиси келар.

Муҳаммад ХОРАЗМИЙ

”



ЎЙ

Хар бир халқнинг ижтимоий онги мустақил бўлмаса тили – дудук, илм-фани – етаклама миллий ишлаб чиқариши ачинарли ҳолатда бўлади. Ижтимоий онгининг пайдор бўлиши эса узоқ давом этадиган жараён. Мен, касбим соҳасидан келиб чиқиб, ижтимоий онг ойнаси бўлган тил борасидаги баъзи кузатувларимдан келиб чиққан саволларни ва мулоҳазаларни бўлишмоқчиман. Кўп-лашиб уларга жавоб топиш, “ойна” юзидаги доғларни тозалаш вақти келмайдими?

Икки асрдан зиёд давом этган истибдод таъсирими ёки ўзбек тилини яхши билмаслик оқибатими, ҳар ҳолда русчадаги тайёр ифодаларни ҳижолаб ўгириб фойдаланиш ҳамон давом этамоқда.

“Я думаю, что”ни “менимча” демай, “мен ўйлайманки” деймиз. “Яшанг”, “кам бўлманг”, “барака топинг”, “отангизга раҳмат” каби ўн-тача сўз бор, аммо “большое спасибо”ни изини совутмай “катта раҳмат”, деб кўямиз. “Хочу поздравить вас”ни “муборақ бўлсин” ё “қутлуғ бўлсин” дейиш ўрнига, “сизни табрикламоқчиман” деймиз, “всем привет”ни “ассалому алайкум ҳаммага”, “с глубоким уважением”ни “чўқур ҳурмат билан” деб айтамыз.

Бунақа тайёр ифодалар озмунчами? Тоқай биров чайнаган тайёр луқмани ютамыз?

Харбийларнинг “честь” беришини олинг. Қадимда Европа халқларида бирон улуг одам ҳузурида тиз чўкиб ерга бош қўйилган (реверанс), кейинроқ бошни ерга энкай-тириб, шапкасини ерга уриб, ҳурмат изҳор қилишган. Асрлар оша у яна ихчамлаша бориб, бош кийимини кўлга олиш, янада кейин кўлини шапкага теккизиш ва пировардида қўл учини шапкага яқин олиб бориб (ғоз турган ҳолда) салом айтиш шаклига келган.

Бунинг ўзбекчаси қандай бўлади? Ахир, улуглар олдида бошланг турмас эдик, бошга дўппи киярдик. Демак, “честь” ҳам бермас эдик. Биздаги қоида ўнг кўлни кўк-

ракка қўйиб салом бериш, таъзим қилиш бўлган. Харбийлар ҳам амир олдида шундай қилган. Хар элнинг тутуми ўзига азиз. Шундай экан бу масалани ҳам ўйлаб кўриш керак: чаккага етган кафтимиз кўкракка етмайдими?

Бизнинг юртларни “Шарқ”, “Шарқ мамлакатлари” дейишади. Ўзимиз ҳам ифтихор билан “Шарқдан келатирман” деб айтамыз. “Шарқона илтифот”, “шарқона одоб”, “шарқона маданият”, “шарқона менталитет” каби атамалар бор, деб ўзимизни елпиймиз. Қаёққа қарасанг – Шарқ.

Тавба, қанақасига биз “Шарқ” бўлайлик? Масалан, Япониядан ғарбда яшаймиз-ку. Ўролу Сибирга қараганда “Жануб”миз, Афғонистону Ҳиндистон учун “Шимол”миз. Фақат Кавказ, Эроннинг шарқидамиз, унга нисбатангина шарқдамиз. Нега унда, ҳаммаёқда “Шарқ”?

Осиёни Шарқ деб аташ бизга XIX асрнинг сўнгги чорагида руслардан кириб келди, бизга ҳам мажбуран сингдирилди. Руслар бу таснифни инглизлардан олган. Евроцентризм деб аталган бу қурилма дунёга Европадан туриб назар ташлашни тақозо этади, дунёни ўзи турган нуқтадан “Ғарб”га, “Шарқ”қа, “Шимол” ва “Жануб”га тақсим қилади.

Саудия Арабистони, Миср, Туркия, Эрон, БАА, Ироқ, Фаластин, Сурия мамлакатлари Европанинг шарқда, оралиқ нисбатан яқин бўлгани учун у ерларни “Яқин Шарқ” дейишади. Бироқ ўша “Яқин Шарқ” биздан шарқда эмас, нақ ғарбда, бунинг устига, 4,5-5 минг қақирим олисда-ку? Ўшандаям “Шарқ” бўлаверадими, барибир “яқин” деяверамизми? Ажабки, арабларда ҳам шу гап: “Яқин Шарқ” бу тилда “аш Шарқ ал васат” деб ёзилверади.

Озарбайжон, Гуржистон ва Арманистон ерларини руслар “Закавказье” (Кавказнинг нарёғи) деб аташади. Чунки Россиядан туриб боқсангиз, ўртада Кавказ тоғи бор. Аммо биз ёқдан туриб боққанда, у юртлар Кавказ олдида-ку? Ёки “Закаспий” деганда нимани англашмиз керак, бу жойлар Каспий денгизига етмай, ундан берида бўлса? Бунақа мисоллар тўлиб ётибди.

Аслида, Ер куррасининг қандайдир марказий нуқтаси мавжуд эмас:

Евроцентризм Европа қадриятларини, тарихи, маданияти ва

исталган нуқтанинг Арктика томони шимол, Антарктида тарафи жануб, кунботар ёғи ғарб ва кунчиқар сари шарқдир.

Дарвоқе, биз “шимолӣ / жанубий кенглик”, “шарқӣ / ғарбий узунлик” деган атамаларни инкор этишга, улар орқали бирон масканинг координатларини барча учун англашиларли тарзда кўрсатиш имкониятини барбод қилишга қақираётганимиз йўқ. Бу, масалан, математикани инкор этиб, янги ҳисоб илмини бошлаш керак, дегандай мантиқсизлик бўлар эди.



КУЗАТУВ

“ЖАВОБИ БИТТА ТЎН, БИТТА НОН ЭДИ”

Хар қандай жамиятнинг ўзак асосини оила ташкил қилади. Оила институтининг барқарорлиги инсоний жамиятнинг таянч устунларидан биридир. Ҳатто, ёввойи табиатда ҳам оила бўлиб яшаш ҷумолилар, асаларилар, шерлар, бўрилар, жониворларнинг барча турларида кенг тарқалган. Афсуски, бугун айрим хабарларга кўра, юртимизда оилани сақлаш билан боғлиқ ҳолатлар анчайин хатарли тус олмоқда экан: “2025 йилда фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан ажрашиш билан боғлиқ 70 535 та иш қўрилиб, 37 544 таси қаноатлантирилди. Бу турдаги ишлар сони 2024 йилга нисбатан 6 692 тага, қаноатлантирилган даъво талаблари эса 5 327 тага кўпайди” (Интернет хабари).

Хўш, бунга сабаб нима? Албатта, ажрашишлар мутлақо юз бермаган даврлар деярли учрамайди, аммо гап унинг ошиб бораётган миқдориди. Аввало, эр-хотининг бир-бирига, фарзандларига меҳр-муҳаббатли бўлиши оила мустаҳкамлигини таъминлайди. Бир-бирининг, яқинларининг феълига, турмушнинг муштариги тоқатли бўлиши осон эмас. Бу кўникама йиллар оша ортирилади. Элда бекорга “Эрнинг этигини ечиш осонмас”, дейилмаган.

1970 йиллари устоз Асқад Мухторнинг бир шеъри оилавий муносабатларга бағишланган эди:

Жавоби битта тўн, битта нон эди, Қандоқ тирикчилик қиламиз, хотин?

Турмуш яхшилангани, осонлашгани сари ўтган қийинчиликлар, етишмовчиликлар эсдан чиқа бошлайди. Натижада, тоқат кўргонига қарз тушади, емирилиш бошланади. Шоир бу шеърда ўша пайтлар турмуш тарзи талаблари ортиб бо-

ганда биринчи тугмани хато қада-сангиз, то бошқатдан қадамагунингизча кейингилари ҳам шу зайлда нотўғри бўлиб кетавергани каби, янглишиш минг йилда ҳам тўғри бўлиб қолмайди, янада кўпайиб-ортиб бораверади.

Биз – Ўзбекистонмиз, Марказий Осиёмиз. Қандайдир мавҳум Шарқда эмас, Осиёнинг ўртасида яшаймиз. X-XI асрлардаги биринчи Ўйғониш ва XIV-XV асрлардаги иккинчи Ўйғониш шунинг учун ҳам рўёбга чиққани, барча соҳаларда, жумладан, илм-фанда ҳам “дунёнинг пешрави биз”, деб билинган, шу салоҳиятни ушлаб туришга ҳаракат қилинган.

Бутун дунё халқлари бошқаларга ўзидан келиб чиқиб баҳо беради. Йигирма беш аср аввал бу ерни Александр Македонли “Транс-Осиёна” (Амударё ортидаги юрт) деб атаган. У неча аср илмий тушунча ҳисобланган. Кейин эса араблар диёримизни “Мовароуннаҳр” (Амударёнинг нарёғи) деб аташган. Аммо Ватанимиз Амударёнинг бериги ёғида-ку? Тарихни ёзишда ўзимиз баҳолаб, ўзимиз ном бермаймизми?

Яна бир тушунча ҳақида гаплашсак. Рус тилида шаҳар, қишлоқ, туман, вилоят ва ўлкалар кўпинча сув манбаидан келиб чиқиб номланади. Масалан, Москва шаҳри шу номли дарё бўйида бўлгани учун шундай аталган. Россияда Амур, Москва, Воронеж, Иркутск, Кострома, Мурманск, Пенза, Самара каби жуда кўп вилоятлар номи дарёнинг аталишидан олинган. Агар шундай жойлар сув бошида бўлса – Верхнеуральск, ўртағида – Среднеколымск, этагида жойлашган бўлса – Нижнекамск, Нижнеартковск каби ном қўйилади.

Чор ҳукумати минтақамизни босиб олган, бу ердаги жой номларини ҳам дарёлар номи билан аташга тушди: Сыр-Дарьинская, Семиречинская каби областлар ташкил этилди. Советлар эса янада “ичкарироққа” ўтиб, юртимизни ўз одатларича номладилар: Қашқадарё, Сурхондарё, Сирдарё деган вилоятлар тузилди. Ахир, оталаримиз бу жойларни Қарши дер эди, Термиз деб тилга оларди, Мирзачўл деб атар эди-ку? Нима,

Мирзачўл десак, яна биёбонга айланади қоладими? Биргина Тошкент вилоятининг ўзида Юқори Чирчиқ, Ўрта Чирчиқ, Қуйи Чирчиқ туманлари бор. Аслида эса ҳеч ўзбек бу жойларни ундай атаган эмас. Янги-бозор деган, Тўйтепа деган, Дўстобод деб ном берган.

Негадир дунёдаги давлатлар, шаҳарлар, умуман, географик нуқталарни русчада қандай ёзилса, ўшандай оламиз аскар. Қаранг, яҳудий тилида Телавив шаҳри Тель-Авив деб ажратилмайди. Асли Ўрол тоғини Урал деяпмиз. Хўш, нима сабабдан булар русча имлога мувофиқ бўлиши керак? Ахир руслар Кўконни ўз талаффузига мослаб Коканд дейди ва бу тўғри-ку.

Туркманлар, озарбайжонлар Тошкентни Дашкенд деб, ўз лаҳжасига мослайди. Биз нега Ашхободни Ашгабат, Боқуни Баку, Олмаотани Алмати, Чимкентни Шимкент, Эргаштомни Иркештам шаклида битаяпмиз?

Беморлар ётадиган жой шифохона эди. Бироқ русчага тақлидан, касалхона дейиш расм бўлди. Русларда “больница”-да. Бу сўз “больной” (касал)дан олинган. Ахир, шифохона сўзида “шифо”, яъни соғайишга ишора бор-ку.

Назаримизда, тил сиёсатини белгилаш ва бу борадаги йўналишларни аниқлашда ҳал қилувчи омил – ўзбекча талаффуз софлиги, миллий ўзига хосликларнинг етакчи қилиб белгиланиши бўлиши керак. Бизга озми-кўпми маълум бўлган аскар тилларда бу тутум принцип даражасида туради.

Ер бетини тирнаб уруғ сеппи ё бир-икки қарич чўқур қовлаб ниҳол қадаш қайда-ю, чўқур ағдариб экин экиш, бир газ кенг-мўл қазиб дарахт ўтқазиб қайда! Ижтимоий онг вақти-вақти билан ўшандай чинакам ишловга муҳтож бўлиб қолади. Гап дунёга ўзбек кўзи билан боқиш, оламни ўзбек тафаккури билан идрок этиш ҳақида борапти. Ана шу борадаги оқашлар айтилапти.

Зухриддин ИСОМИДДИНОВ



ЖАҲОН АЙВОНИДА

НОҚОНУНИЙ МУХЛИСЛАР ОГОҲЛАНТИРИЛДИ

Футбол бўйича Жаҳон чемпионатида келган хорижий мухлисларнинг АҚШда ноқонуний қолиши иммиграция хизматларининг эътиборига тушади. Бу ҳақда АҚШ Ички хавфсизлик вазирлиги “РИА Новости”га маълум қилди.



Вазирлик хорижлик меҳмонларни келгусида қийинчиликларга дуч келмасликлари учун эҳтиёткор бўлишга ва ҳужжатларни расмийлаштиришни олдиндан режалаштиришга чакирди. Идора вакили ўзларининг вазифаси ҳар бир мухлис учун “тўлиқ хавфсизлик шароитида унутилмас таассуротлар”ни таъминлашдан иборатлигини таъкидлади.

ҚАТЪИЙ МИГРАЦИЯ ҚОНУНИ

Европа парламенти 17 июнь куни Европа Иттифоқида қолиш ҳуқуқига эга бўлмаган мигрантларни мажбурий қайтаришни тезлаштиришга қаратилган қонунни маъқуллади. Бу ҳақда “Еuronews” хабар берди.



“Қайтариш тўғрисидаги регламент” жиддий баҳс-мунозара-ларга сабаб бўлмоқда, чунки ушбу қонун ЕИ мамлакатларига иттифоққа аъзо бўлмаган давлатлар билан келишувлар асосида уларнинг ҳудудида депортация марказларини ташкил этиш имконини беради.

УРУШ ТЎХТАДИ



АҚШ президенти Дональд Трамп ва Эрон президенти Массуд Пезешкиан урушини тугатиш бўйича ўзаро англашув меморандумини электрон шаклда имзолади.

Бу ҳақда “Al Jazeera” хабар берди.

Хар икки томон ҳам келишув кучга кирганини айтмоқда. Президент Дональд Трамп Франциянинг Эвиан-ле-Бен шаҳрида бўлиб ўтган G7 саммитида иштирок этаётганда ҳужжатни расман имзолаган.

ЭБОЛА ТАРҚАЛИШ ҲУДУДИ КЕНГАЙИШИ МУМКИН

Япониялик олимлар томонидан ўтказилган математик моделлаштириш натижаларига кўра, Африкада Эбола вирусини юқтирган шахслар 30 кун ичида юқори эҳтимол билан Европа ва Осиёнинг йирик транзит аэропортларига етиб бориши мумкин.




Бу ҳақда “medRxiv” порталида эълон қилинган Рё Киносита, Мотои Судзуки ва Дайсуз Энэкининг тадқиқотида таяниб, “Известия” газетаси хабар берди.

Тадқиқот Конго Демократик Республикаси ва Угандадан вирус ташувчилари фойдаланиши мумкин бўлган авиация йўналишлари таҳлилига асосланган. Олимлар фикрича, бир ой ичида вирус юқтирган шахслар Бельгия, Франция, Бирлашган Араб Амирликлари ва Туркия каби йирик халқаро транспорт марказларига етиб бориши мумкин.

“ТИКТОК” ТАҚИҚАН ЧИҚАДИМИ?

Қирғизистон Давлат солиқ хизмати раҳбари Алмамбет Шикматов Қирғизистонда “TikTok”ни тақиқдан чиқариш тарафдори эканини маълум қилди ва рақамли платформа-ларда маҳаллий муаллифларнинг даромад топиши учун шароит яратиш зарур деб ҳисоблашини билдирди.



Бу ҳақда у журналистлар ва блогерлар билан креатив индустрия вакиллари-ни солиқлардан озод қилишни назарда тутувчи солиқ ислоҳоти муҳокамасидан сўнг айтиб ўтди. У замонавий рақамли платформалар иқтисодиётнинг муҳим қисмига ва давлат ёрдамисиз мустақил равишда контент яратиб, даромад топаётган ёшлар учун тирикчилик манбаига айланиши таъкидлаган.

Оллоёр БЕГАЛИЕВ



МИЛЛАТ ФИДОЙИЛАРИ

ЭТИКДЎЗ ВА ЭТИК КИЙГАНЛАР

1938 йил 8 октябрь кун
СССР Олий суди ҳарбий
коллегиясининг Тошкент
шаҳридаги йиғилишида 40
нафар фуқаро устидан отув
хукми чиқарилди. “Бир на-
фас олғулик муддат”да қирқ
инсон тақдири қийилди. Уша
машъум рўйхатда асли қў-
қонлик 34 ёшли Аббосхўжа
Бобохўжаев ҳам бор эди...

Аббосхўжа Бобохўжаев 1919–
1921 йилларда отаси қабатида
этикдўз устага шогирд тушиб,
Қўқонда ҳарбий этикдўз бўлиб




Аббосхўжа Бобохўжаев (1904–1938)

ишлади, сўнг шаҳардаги Марказ
уюшмаси ва меҳнатни муҳофаза
қилиш устаноналарида касиблик
билан шуғулланди. Йигирманчи
йиллар бошида Туркистонда янги
кадрларга эҳтиёж ортиб борар
экан, ҳунар ўрганиб юрган ёшлар
энди савод чиқаришга, билим
олишга интиларди. Аббосхўжа
ҳам шу авлод вакили сифатида
1923–1925 йилларда саводсиз-
ликни тугатиш мактабида ўқиди.
1925 йилнинг октябрида Тош-
кентдаги Ўрта Осиё ҳарбий мак-
табининг артиллерия бўлимига

қабул қилиниб, 1929 йилгача та-
сил олди. Зукко йигит тез орада
масъул лавозимларга кўтарила
бошлади. Аввал Тошкент шаҳ-
рида қишлоқ хўжалиги ишчилари
округ уюшмаси раиси ўринбоса-
ри (1929–1930), кейин Ўрта Чир-
чик район ижроия комитети раи-
си ўринбосари этиб тайинланди.
1931 йилдан Хатирчи район пар-
тия комитетининг биринчи масъ-
ул котиби вазифаларида фао-
лият юритди.

Ўттизинчи йиллар бошида раҳ-
барлар ва маҳаллий амалдорлар
учун осон кечмади. Марказ яна
ҳам кўпроқ пахта талаб қилар-
ди. Бу талаб ортида эса район
раҳбарларининг тинчлиги, ҳат-
то тақдири турарди. Чунки режа
бажарилмаса, айблов кимнинг-
дир чекига тушиши тайин эди.
Аббосхўжа Бобохўжаев туман
раҳбари сифатида бу босимни
ўз танида ҳис қиларди. Режалар,
ҳисоботлар, йиғилишлар бир-би-
рини қувиб келар, бугун мақтал-
ган раҳбар эртага қаттиқ танқид
остида қолиши ҳеч гап эмасди.

Архив ҳужжатларида қайд эти-
лишича, 1932 йили маблагларни
сафарбар қилиш режаси тўлиқ
бажарилмагани учун Бобохў-
жаевга ҳайфсан берилади. Ора-
дан икки йил ўтиб, пахта далала-
рини шудгорлаш, йиғим-теримни
ташқил этиш, ғалла етиштириш
ишларини мувофиқлаштиришда-
ги камчиликлар учун яна танқид
остида қолади. Бугун бу қайдлар
оддий хизмат ҳужжатларидаги
навбатдаги баҳолар бўлиб кўри-
ниши мумкин, бироқ бир қарашда
хўжалик ишларига оидке туюл-
ган бундай қайдлар орадан кўп
ўтмай мутлақо бошқача маъно
касб этиб, қатағон даври тергов-
чилари қўлида сиёсий айблов-
ларга улашиб кетгани ҳақиқат.
1937 йилнинг 13 сентябρι.



Ўзбекистон Компартияси Марка-
зий Комитети бюросида Пискент
район партия комитети биринчи
котиби масаласи муҳокама қили-
нади. Оқибатда у “антипартиявий
ишлар”, “аксилинқилобий унсур-
лар билан алоқа” ва “маиший
бузуқлик”да айбланиб, лавозими-
дан четлатилади. Икки ой ўтмай,
Бобохўжаевни ҳибсга олиш ҳа-
қида қарор чиқарилади. Махсус
идора тайёрлаган ҳужжатларда
у “туғатилган миллатчи акси-
линқилобий ташкилот аъзоси”,
“Файзулла Хўжаев билан яқин

алоқада бўлган шахс”, “Пискент
районида миллатчи аксилинқи-
лобий ишларни бошқарган раҳ-
бар” сифатида тавсифланади ва
ЎзССР Ички ишлар халқ комис-
сарлигининг ички қамоқхонасига
ташланади.

1937 йил 1 декабрда тасдиқ-
ланган қарорда у Акмал Икромов
ва Файзулла Хўжаевнинг яқин
кишиси сифатида кўрсатилади.
Терговчилар талқинига кўра, Аб-
босхўжа Бобохўжаев Ўзбекис-
тонни Иттифоқдан ажратиб олиш
ва унинг ўрнида буржуа давлати-
ни қуришни мақсад қилган ташки-
лот аъзоси бўлган... 1938 йил 7
октябрда тайёрланган айблов ҳу-
лосаси янада оғирлаштирилади.
Унга Тошкентдаги миллатчи ак-
силинқилобий ташкилот маркази
билан алоқада бўлгани, Пискент-
да кўзғолончи ташкилот тузгани,
Абдурашид Сатторов ва Карим
Абдуллаев каби шахсларни маз-
кур ташкилотга жалб қилгани ҳа-
қида айблар қўйилади.

Айблов ҳулосасида хўжалик
соҳасига оид даъволар ҳам кенг
ўрин олган бўлиб, Бобохўжаев
гўё умумий ер майдонининг 3
фоизи миқдорида пахтани яши-
ринча экиб, 1936 йили яна қў-
шимча 100 гектар ерга пахта
эктирган, шу орқали давлат маб-
лагларини ноқонуний ўзлаштир-
ган. Ҳатто Пискент пиллацили-
гига зарар етказиш мақсадига
2 мингдан зиёд тут дарахтининг
кўпориб ташланиши ҳам унинг
бўйнига илинади...



Рустамбек ШАМСУТДИНОВ,
тарих фанлари доктори,
профессор

Ўша куниёқ “иш” судга ошири-
лади. Бироқ эртаси куни бўла-
диган суд учун на гувоҳлар ча-
қирилади, на ҳимоя учун имкон
берилади. Ҳамма нарсга ёпиқ
эшиклар ортида ҳал қилинади.
Бобохўжаев ўзига қўйилаётган
айбларни ҳарчанд рад этишга
уринмасин, сўнгсўзи ёки келтир-
ган вақлари иш тақдирига таъ-
сир кўрсата олмайди. Шу куни
кечкурун...

Аббосхўжа Бобохўжаевнинг
номи ҳам минглаб қатағон қур-
бонлари қаторида архив жилд-
ларига қўмилиб кетди. Орадан
йигирма бир йил ўтиб, 1959 йил
28 майда терговда асос қилиб
олинган кўрсатмалар мажбуран
ушатирилгани, иш материалла-
ридаги “далиллар” асоссиз экани
аниқланди.

Марина Цветаеванинг шундай
сатрлари бор: “Этикларни олиб
кетгандир иблис. Энди кўрқинч-
лидир – этиги борлар!” Ҳа, кат-
та террор авж олгунча ҳам, ўша
пайтда ҳам, кейин ҳам халқнинг
оёғи тузуқ-қуруқ пойабзал кўрга-
ни йўқ. Аммо қатағон машинаси
малайлари овози юракни ларза-
га солувчи этикларда не-не тақ-
дирларни янчиб борарди. Асли
этикдўз бўлган Аббосхўжанинг
хаётига ҳам ана шу этик кийган
жаллодлар нуқта қўйди.

АЗИЗ ХОТИРА



ҚАТАҒОН ҚУРБОНЛАРИ

(Давоми. Бошланиши ўтган сонларда).

Саид Ғани Абдуқоимов – 1884 йил
Тошкент шаҳридаги Себзор даҳасида,
савдогар оиласида туғилган. Тўрт йиллик
рус-тузем мактабида таҳсил олган. 1923-
1924 йилларда Бухоро Халқ Совет Рес-
публикасида молия нозир лавозимида
ишлаган. “Миллий иттиҳод” ташкилоти
аъзоси.

1937 йил 2 декабрда Файзулла Хўжаев,
Мунаввар қори Абдурашидхонов қўл о-
стида миллий озодлик фаолияти билан
шуғулланганликда, 1936 йили аҳоли ора-
сида совет ҳукуматини ағдариш ҳақида
тарғибот олиб борганликда, ноқонуний
равишда қурол сақлаганликда айбланиб,
ЎзССР Жиноят кодексинининг 66-мод-
даси 1-банди ва 104-моддаси қўллани-
либ ҳибсга олинган. Ички ишлар халқ
комиссарлиги “учлиги” томонидан 1938
йил 4 февралда 10 йил меҳнат-тузатув
лагерига ҳукм қилинган. 1990 йил реабил-
литация қилинган.

Мамарасул Расулов – 1900 йили Ан-
дижон райони Миробод қишлоғида ту-
ғилган. Тошкентда ўқиб, ўрта педагогик
маъълумотга эга бўлган. “Қизил-Юлдуз”
колхозининг ҳисобчиси бўлиб хизмат қил-
ган.

ОГПУ томонидан босмачилар билан
фаол алоқада бўлганлиги, “Миллий итти-
ҳод” ташкилотидеги фаолияти учун бир
неча бор ҳибсга олинган. Колхозчилар
ўртасида партия ва ҳукуматнинг аёллар-
ни “озод қилиш”, саводсизликни тугатиш
каби тадбирларига қарши ташвиқот олиб
борганликда айбланиб, 1937 йилнинг 9
августида қамоққа олинган. Жиноят-про-
цессуал кодексининг 49-моддаси қўлла-
нилиб, 1937 йил 29 августда отувга ҳукм
ўқилган, мол-мулки мусодара қилинган.

Убайдулло Сўпиев – 1887 йилда На-
манган шаҳри Сардоба райони Артеп-
обод қишлоғида туғилган. Китоб савдо-
си билан шуғулланган. Наманган шаҳар
маориф бўлими кутубхонасида фаолият
юритган. “Миллий иттиҳод” ташкилоти
аъзоси.

1937 йилнинг 19 августидеги ҳибсга
олинган. Унга нисбатан давлатга қарши
аксилинқилобий ва миллатчилик руҳида-
ги ҳаракатларни содир этганлик айби қў-
йилган. 1937 йилнинг 13 октябрида отув-
га ҳукм этилган.

Зокиржон Насриддинов – 1904 йили
Андижонда, диний ходим оиласида ту-
ғилган. Бухородаги мадрасада таҳсил
олган. “Ёш бухороликлар” ҳаракатига
қўшилиб, Файзулла Хўжаев билан бирга
фаолият олиб борган. 1917 йил апрели-
да Амир Олимхон томонидан жадидлик
ҳаракати аъзолари қувғин қилинганидан
сўнг Андижонга қайтган ва савдогарлик
билан машғул бўлган.

1926 йилда “Миллий иттиҳод” ташки-
лотига аъзоликда айбланиб Бирлашган
давлат сиёсий бошқармаси томонидан
ҳибсга олинган ва бир йилдан сўнг озод
қилинган. 1932 йилда “Файзулла Хўжаев”
номидаги колхоз раиси бўлган.

1937 йил 22 октябрда Андижон окру-
ги, ҳозирги Шахрихон туманидаги уйда
ҳибсга олинган. Ички ишлар халқ комис-
сарлиги “учлик” гуруҳи томонидан “мил-
латчи ташкилотга аъзо бўлиш”, “аксилин-
қилобий тарғибот билан шуғулланиш”,
“халқ душмани” Файзулла Хўжаевни мақ-
таш” айби қўйилиб, 1938 йил 15 мартда
отувга ҳукм қилинган. 1989 йил 25 июлда
реабилитация қилинган.

**Бахтиёр АЛИМОВ,
Жасурбек ИМИНОВ,
Азизбек МАҲКАМОВ,
АНДУ тузилмасидаги
Қатағон қурбонлари хотираси музейи
илмий ходимлари**

(Давоми келгуси сонда).

УЗРИ ГУНОҲИДАН БАТТАР

Бошланиши 1-саҳифада.

Улар Европанинг замонавий илм-фани
ва техник ютуқларини ўз кўзлари билан кў-
риб, эркин тафаккур мазасини туйишади.
Ватанни ҳам шундай озод, ривожланган,
юксалган, халқни бахтиёр кўришни орзу
қилишади. Бироқ талабалар онгидеги бу
эврилишни совет малайлари аллақачон
сезиб улгурган, эркин парвозга қўйиб юбо-
рилган ҳур хаёлларни овлашга тузоқ ҳо-
зирлаётган эди.

1926 йил январь ойида Тошкентга кел-
ган Насриддиннинг, ўша йилнинг ёзида
эса укаси Фузаилнинг паспортлари олиб
қўйилиб, Европага қайтишига рухсат бе-
рилмайди. Молиявий таъминот узиб қў-
йилади. Порлоқ орзулари ярим йўлда
узилган Насриддин бундай ноҳақлик ва
руҳий босимга чидай олмай, алам устида
ўз жонига қасд қилади. Тасодиф туфай-
ли тирик қолган йигит 1927 йили Батуми
орқали Германияга қочиб ўтмоқчи бўлга-
нида, чегарада қўлга олинади ва етти ой
ҳибсда сақланади. ГПУ уни фақат “айғоқ-
чи” сифатида ёлланши шарти билан озод-
ликка чиқаради. Бу “чорасизнинг чораси”
ўлароқ бир ёқлама келишув эди. Вазият
шу қадар оғир эдики, Нажмиддин Герма-
ниядаги Саидага Афғонистон консулхона-
си орқали пул ва хат йўллаётди, советлар
мамлакатда мутлақ ҳокимият ўрнатгани
ва халқни кўрқитиб олганини алам билан
ёзганди.

Бошида саланглаб турган дор ваҳмига
қарамай, Насриддин Шераҳмедов 1928–
1930 йиллари Ўрта Осиё давлат универ-
ситети (САГУ)нинг иқтисодиёт факульте-
тида таҳсил олиб, ўткир иқтисодчи бўлиб
етишади. Самарқанд ва Тошкент молия
идораларида ишлай бошлайди. Бироқ у
расман ГПУга ёлланган бўлса-да, амалда
дўстлари ва сафдошларига қарши бирор-
та жўяли ахборот бермайди.

Ўша йилларда оиланинг бош усту-
ни, Россия шаҳарлари билан кенг сав-
до алоқаларига эга бўлган ва хориждаги
юзлаб ўзбек ёшларига ҳомийлик қилган



Нажмиддин Шераҳмедов 1929 йилнинг
ноябрида “Миллий иттиҳод” ташкилоти
иши бўйича ҳибсга олинади ва 1931 йилда
Москвада отувга ҳукм қилинади. Рафиқа-
си Маҳфуза Орифхўжа қизлари Адиба ва
Альфия билан аянчли ҳолда қолиб кета-
ди. 1934 йилга келиб, Насриддин отаси
Шераҳмадбойнинг маслаҳати билан Маҳ-
фузага уйланади.

Бу орада Насриддин Керки орқали хо-
рижга қочишга ҳаракат қилганликда айб-
ланиб, яна қамоққа олинади. Далиллар
етарли бўлмагани учун қўйиб юборилади,
аммо давлат идораларида ишлаш тақиқ-
ланади. Ноилж қолган иқтисодчи Маҳфу-
занинг тавсияси билан тиш шифокорлиги
йўналишида ўқий бошлайди.

Фузаил эса Германияда орттирган бор
илм-тажрибасини ишга солиб, Тошкент,
Фарғона, Қўқон шаҳарларида йўл қури-
лиши идораларида бош муҳандис бўлиб
меҳнат қилаётган, Ўш асосий йўли қури-
лишида бўлим бошлиғи бўлиб ишлаётган
эди.

1937 йил 2 январь куни Насриддин, 13
сентябрда Фузаил ҳибсга олинади. Хо-
надондаги бой кутубхона, хат-ҳужжатлар
мусодара қилинади. 29 сентябрда Маҳ-
фуза Шераҳмедова ҳам гаров сифатида
қамоққа ташланади. 12 ёшли Адиба ва 7
ёшли Альфия болалар уйига жойлашти-
рилади.

Тергов жараёнларида ака-укаларга
Европадаги миллий озодлик ҳаракати

аъзолари билан ҳамкорлик, “троцкий-
чилик” ва жосуслик айблари қўйилиб,
даҳшатли жисмоний қийноқларга, руҳий
таҳқирларга дучор этилади. Фузаил ваҳ-
шиёна азоблардан сўнг олдиндан машин-
када тайёрлаб қўйилган ҳужжатларга имзо
чекади, бироқ кейинги юзлаштиришларда
айбни бўйнига олмайди. Насриддин тер-
говни тезлаштириш талабида очлик эълон
қилади. Машъум сўроқда жаллодларнинг
“Ўзингни айбдор деб биласанми?” деган
саволига кескин жавоб қайтаради: “Ҳа,
1928 йилда ГПУ мени мажбурлаб ўз ту-
зоғига ёллаб олган эди. Аммо мен дўст-
ларим ва сафдошларимнинг йўқ қили-
нишдан кўриб, тизимга бирорта ҳам
ахборот бермадим! Мен ҳеч қачон Вата-
нимга хоинлик қилмаганман!”

Муштабид тузуи учун инсон виждо-
ни ва ҳақиқатнинг, умуман, одам бо-
ласининг чивинчалик қиймати йўқ эди.
1938 йил 8 октябрь куни Фузаил Шераҳ-
медов расмий ҳукм қийилишидан бир
кун аввал яширинча отилади. 9 октябр
куни йигирма дақиқа давом этган “учлик”
мажлисида Насриддин Шераҳмедовга ҳам
ЎзССР ЖКнинг 62, 64, 67-моддалари би-
лан отув ҳукми чиқарилади.

Гаровда ушлаб турилган Маҳфузага
нисбатан эълон қилинган айбловда жи-
ноят таркиби топилмагач, у 1939 йил фев-
ралда шўро дўзахидан қутулиб чиқади.
Унга турмадаги қийноқлар ҳақида умрбод
миқ этмаслик тўғрисида мажбурий тилхат
имзолатишади.

Германиядан қайтолмай, Туркияга ўтиб
кетган Саида умрбод жигар доғи ва Ватан
фироғида яшаб, ёт элларда кўз юмади.

1957 йил 3 октябрда Насриддин Шераҳ-
медов, 1958 йил 27 мартда Фузаил Шераҳ-
медов расман оқланади. Маҳфуза аяга со-
вет давлатига нисбатан ҳеч қандай мулк
ва маънавий даъвоси йўқлиги ҳақида яна
бир мажбурий қоғозга имзо чектиришади...
“Ўзри гуноҳидан баттар” деганлари шу
бўлса керак-да!

**Бўри ҚОДИРОВ,
Алишер АТАЕВ**



ТАРМОҚЛАРДА НИМА ГАП?

ҒАЛАБАНИНГ ОНАСИ ТАЖРИБАДИР

Ассалому алайкум, аслзода ўқирманлар ва футбол ишқибозлари. Бугун футбол ҳақида икки оғиз гаплашмоқ истаям бу кўнгул.

Мен ҳам сиз каби футболчи бўламан деб бўлмай қолганларданман. Футбол мактабига ҳам қатнашганман. Бизнинг даврларда футбол бошқача эди. Нестелрой, Ҳидетоши Накама, Умид Давала, Роналдо каби ўйинчилар бўлар эди. Эҳ, ёш-лигим...

Шу десангиз, охириги йилларда футболчиларимиз мисли кўрилмаган натижаларни қайд эттишди. Бир пайтлари "Манчестер Сити"да ўзбек ўйнайди деса, биров ишонмасди. Бугун қаранг, Абдуқодир Англияни, Аббос билан Элдор Туркияни ёндиряпти. Россия, Эрон, Араб томонларни унча менсимай ҳам қолдик. Қайтимизга Жаҳон чемпионатида ҳам чиқдик.

Аммо... аммо... аммо, шу жойи жуда муҳим-да. Бизнинг қишлоқдаги Мардон кўмирқалбга ўхшаганлар Жаҳон чемпионатида биринчи марта чиқаётган жамоамиздан кўп нарсани кўтиб юбормаяптими?

Оддий ўртоқлик ўйинида ютқазиб қўй-сак, ҳар хил кўмирқалб гапларни гапириб юбормаяптими?

Жаҳон чемпионатида чиқишди. Натижа қандай бўлишидан қатъи назар, мазза қи-



либ ўйнаб келишсин, бўлди. Энг муҳими – тажриба. Энг муҳими – кўрқадиган қоронғиликдан ўтиб олдик.

Келинг, шу жойида японлар ҳақида айтиб берай. Шу десангиз, Япония футбол жамоаси ilk бор 1998 йилда Жаҳон чемпионатида чиқишди. Аргентина, Хорва-

тия, Ямайка билан бир гуруҳга тушиб, ҳамма ўйинда ютқазди. Ким билан ўйнаса, ҳаммасига ютқазди. Э, ўйнамаганларига ҳам ютқазди...

Лекин, ўша пайтда япон футбол мухлислари жамоасини маломат қилишмаган экан. "Биринчи мартага бўлади" қа-

билида иш тутишган экан.

Шу билан йилдан йилга ўсиб келяпти. Кучли 16 таликка ҳам бир неча марта кирди. Эсингизда бор, ўтган Жаҳон чемпионатида Испанияни ҳам, Германияни ҳам энасини кўрсатишди. Биз ҳам биринчи марта чиқаётганлигимиз учун жа босим қилиб юборишимиз шарт эмас. Тажрибани тўплаб-тўплаб, кейин энасини кўрсатамиз.

Ҳўш, бу йилги Жаҳон чемпионатида Япония нима қаромат кўрсатмоқчи, десангиз, бутун Япония футбол афкор оммаси кучли 8 таликка киришни кутишяпти. Шу ерда бир гапни айтиб кетай: "Япония 2050 йилда жаҳон чемпиони бўлади" деган лойиҳа тузиб чиқишган ва ўша лойиҳа бўйича ҳаракат қилишяпти. 2050 йилда чемпион бўладими, йўқми, аммо шу йўлда кетишяпти. Ҳозиргача шу лойиҳа бўйича ҳаммаси жойида кетяпти эмиш.

Хулосолог сифатида хулоса қиладиган бўлсак, бизнинг йиғитларимиз душанба кунги Жаҳон чемпионатида чиқиб, сешанба кунги катта натижа қўтишимиз нотўғри. Арқонни узунроқ ташласак, нур устига нур бўлажак. Ундан кўра, японларга ўхшаб, "Ҳа, ҳозирча юта олмаймиз. Аммо, нимадир қилиб дунёнинг ёқимтойига айланишимиз керак. Масалан, ўйиндан кейин чиқиндиларни йиғиштириб кетиш" каби



PR кампанияларини уюштиришимиз керак. Ўзбек ўйинчиларининг қўли кўксиди экан, жуда одобли экан, охиригача курашар экан, мухлислари ҳам зўр экан, каби гапларни тарқатиб келсак бас.

Сенсация бўлиб гуруҳдан чиқа олсак, эртақдек бўларди. Нима бўлганда ҳам йиғитларимизга омад тилаймиз. Ғалабамиз, мағлубиятми – сизларни қўллаб-қувватлаймиз ва дуо қиламиз!

Олга, йиғитлар!

Баҳодир ИСКАНДАРОВ,
Токио
Фейсбук

ЯНГИ КИТОБЛАР


Биз билган ва билмаган тарих

Бир кун тонг пайти падари бузруквори уни маҳалладаги таъзияга олиб боради ва... бутун Европани ҳайратга солган "Бойсун Мадоннаси" ана шу хонадон соҳиби Рўзи аканинг аёли эканини тасодифан билиб қолади! ...Шундоқ ёнгинасида, ўз маҳалласида яратилган буюк асар ҳақида узоқ Европанинг қоқ марказидаги мамлакатда эшитиб қайтганди у! Унинг ўзи тугул, умр бўйи шу ерда, шу хонадон билан ёнма-ён яшаб келган маҳалладошлар ҳам бундан хабардор эмаслар!

– Кимлар экан бу қарапчи деганлари?
– Энди билдим: Алпомишнинг тоғалари!... Алпомишнинг онаси асли Зоминдан эканлиги... Ўзи эса уларга жиян ҳисобланиши... Халқимиз оғзаки ижодида қай бир буюқлар илҳом бериб яратилмиш экан ушбу ғаройиб назмий қаторлар!?

Кейинги ўн йилликларда олиб борилган тадқиқотлар улуғ ўзбек шоири Алишер Навоийнинг Самарқандга кетаётиб, Зараутдан ўтгани ва ўз таассуротларини "Сабаи сайёр" достонидида акс эттиргани ҳақида сўзлайди.

Жўрабек Чўтматов Муҳаммад Ҳаким Термизий бобомизнинг Андалусияда машҳурлиги сабабларини ўрганар экан, Ибн Арабийдан бошқа яна бир нечта ислом Испанияси машойихлари ҳақида сўз юритади. Масалан, Куртубий деган олим ўзининг тафсир китобларида Ҳаким Термизийдан кўплаб иқтибослар келтирган. Гранада аҳлидан бўлган ибн Атия Андалусий ва Абухайён Нахвий Андалусийлар ҳам ўз асарларида Термизийга мурожаат этганлар. Али ибн Сулаймон ибн Аҳмад ибн Сулаймон Муродий Андалусий Ҳаким Термизийнинг ўн иккита асарини китобат этиб кўчиргани ва бу асарлар ҳозирги кунда Париж миллий кутубхонасида сақла-



наётгани ҳақидаги хабарлар ҳам шулар жумласидан.

Сўнгра (В.Г.Белинский) қуйидаги далилларни келтиради: "Кантемирларнинг келиб чиқиши тўппа-тўғри Темурланга боғланади... Аммо ҳажвчи (Антиох) Кантемирнинг шажараси Темурланга боғланадими, Одам Атогами – рус адабиёти учун барибир. Унинг молдавиялик жаноб Дмитрий Кантемирнинг ўғли эканини, бу жаноб буюк Пётрнинг замонидан, хусусан, Прутда сулҳ билан тугалланган рус-турк уруши тарихидан маълуми машҳур эканини билиш рус адабиёти учун кифоядир".

XIX-XX аср бошларида баъзи муаллифлар томонидан бу минтақанинг Сартия деб аталиши сабаблари ҳам шу сўзда кўринаёттир. Ўзбекларнинг боболари – қадимги турклар Сирдарёни "Ўқуз юрт" ва бошқа халқлар ўзларига мослаб "Яксарт", "Яхшарт", "Ҳашарт", "Еша" шаклларида талаффуз қилгани маълум бўлмоқда.

Бу номни милoddan олдинги бир неча минг йилликлар бағрида ҳам учратамиз. Қачонлардир Орол Ўқуз денгизи, Буюк Ўқуз номи билан аталган.

Садриддин Айнийнинг 1954 йил 28 ноябрь кунги Шароф Рашидовга ёзган хатидан бир парча:

"...ёзувчи Раёно Узоқовани сизга менинг таништиришим керак эмас. Сиз шахсан уни яхши танирдингиз. Аммо унинг қизчаси тўғрисида маълумот берувчи киши менман. Қизча онаси ўлган вақтда уч яшар эди... Шуниси характерлики, қиздан менинг оила аъзоларимдан бири: "Онанинг қавму қариндошлари борми?" деб сўраганида, "Бор", дебди. "У ким?" деганда, "Шоира Зулфия холам", деб жавоб берибди..."

Серкирра ижодкор, таниқли журналист ва тарихчи олим Абдулла Холмиразевнинг янги "Сайланма"сидан ўрин олган қизиқарли тадқиқотлар, хусусан, "Ер юзидаги энг чуқур ғор номига даъвогар Ҳўжа Ғурғур ёхуд Ўзбекистоннинг ерости Жомолунгмаси", "Тешиктош кашфиётининг баъзи тафсилотлари", "Бадаш санъатида Наврўзий наволар", "Бухоро амирининг амакивачаси", "Эдуард Чернухиннинг Сурхон соғинчлари", "Скафрингус – Амурдарё ажойиботи", "Алпомишнинг тоғалари", "Эртўғрул", "Темурхон наслидан Кантемир" сингари қирқдан зиёд эссе ва мақолалар шонли тарихимизнинг биз билган ва билмаган сиру синоатлари, дуру жавахирлари ҳақида ҳикоя қилади. Яхши китобга ортиқча таърифу тавсиф шарт эмас, қўрида келтирилган айрим кичик парчаларнинг ўзиёқ ўқувчини ўзига жалб эта олиши шубҳасиз.

Тўплам Ўзбекистон Ёзувчилар уюмаси ҳомийлигида "Адабиёт" нашриётида чоп этилган.

Нигина ИСКАНДАРОВА

ТИЛБИЛИМ

"Рақс" сўзининг туркий тилдаги муқобили ҳам мавжуд бўлиб, у бугунги кунда унутилган "будик" сўзидир. Бу сўз қулоққа бироз нотаниш эшитилса-да, унинг илдизлари қадимий тил қатламларига бориб тақалади.

Олтой тиллари этимологик лугатида сўз боде – "сакрамоқ" феъл ўзагига боғлаб изоҳланади. Мазкур ўзакдан келиб чиққан шакллар турли тилларда фонетик жиҳатдан ўхшаш кўринишда учрайди.

“РАҚС”НИНГ ТУРКИЙЧАСИ

Жумладан, тунгус тилларида будури – "шошилмоқ", мўғул тилларида бидйри – "қоқилиб кетмоқ, мувозанатни йўқотмоқ", туркий тилларда эса биди – "рақсга тушмоқ, сакрамоқ, жойида делсинмоқ, тилирчиламоқ, енгил ҳаракатланмоқ" маъноларида қўлланган. Сўз туркий тилларнинг кўпида ҳар хил шаклларда сақланиб қолган. Масалан, қадимги туркий матнларида биди, татар тилида беж, бошқирд тилида беже, қирғиз ва қозоқ тилларида биж (рақс) ва бижле (рақсга тушмоқ), қорақалпоқ тилида биж, қумиқ ва нўғай тилларида бижли шакллари учрайди. Ёқут тилида эса битиж (рақсга тушмоқ, делсинмоқ) ва битл (рақс) шаклида сақланган. Бу ерда товшу ўзгаришлари (б → т) кузатилади. Япон тилидаги бонтор, корей тилидаги птлш – "сакрамоқ" маъносини билдиради. Бу шаклларнинг барчаси ҳаракатланиш, сакраш, тезкор ҳаракатлар билан боғлиқ умумий семантик қатламни кўрсатади. Шу жиҳатдан улар қадимий даврларда бир илдиздан келиб чиққан бўлиши мумкинлиги ҳақидаги қарашлар мавжуд.

Қадимги туркий ёзма ёдгорликларда, хусусан, "Девону лугатит турк"да будик сўзи "ўйин" маъносиде келтирилган. Шунингдек, "бузиди" шакли эса "ўйнади" маъносиде изоҳланган. Алишер Навоийнинг "Мезон ул-авзон" асарида эса "Ўзбекларнинг буди будойи ҳеч вазн биле рост эмас эрди" деган жумла келтирилган, "буди будой" халқ орасидаги қўшиқ номи сифатида тилга олинган. Ушбу бирикманинг

ўзи ҳам қадимий туркий тил қатламидаги будик илдизи билан боғлиқ бўлиши эҳтимолдан холи эмас.

Герард Клоусоннинг "XIII асргача бўлган туркий тилларнинг этимологик лугати"да бу сўзнинг боди, боди каби талаффуз вариантлари ҳам қайд этилади. У айрим матнларда "рақсга тушиш", "ҳаракатланиб ўйнаш" маъноларида ишлатилган. Сўз бугунги айрим туркий тилларда ҳам сақланиб қолган, масалан, уйғур ва баъзи шевааларда бийи-, қозоқ тилида биле- шакллари "рақсга тушмоқ" маъносини билдиради. Қорахоний туркий тилига оид манбаларда эса ки:з боди:ди: ("қиз рақсга тушди") каби шаклларда учрайди.

Бу ўхшашликлар турли тилларда ҳаракат, сакраш ва рақс тушунчалари жуда қадимий умумий семантик асосга эга бўлганини кўрсатади. Тадқиқотчилар фикрича, ушбу шакллар узоқ тарихий даврларда бир-бири билан боғлиқ бўлган ягона илдиздан ривожланган бўлиши мумкин, бироқ ҳар бир тил уни ўз ички тараққиёти асосида ҳам шакллантирган.

Хулоса қилиб айтганда, будик сўзи туркий халқларнинг қадимий маданиятида тил бирлиги, рақс, ҳаракат ва маросимий ижро маданиятининг ифодаси сифатида намоён бўлган. Унинг турли тилларда сақланиб қолган шакллари эса мазкур тушунчанинг жуда қадимий ва кенг тарқалган ҳодиса эканини тасдиқлайди.

Ирода РАҲМОНАЛИЕВА



Бош муҳаррир:
Иқбол МИРЗО

Муаллиф фикри тахририят фикри билан мос келмаслиги мумкин.

Тахририятга юборилган мақолалар муаллифга қайтарилмайди ва улар юзасидан изоҳ берилмайди.

Газета 2023 йил 26 декабрда
Ўзбекистон Республикаси
Президенти Администрацияси ҳузуридаги
Ахборот ва оммавий коммуникациялар
агентлиги томонидан 195115 рақам
билан рўйхатга олинган.

Масъул котиб: Шухрат Азизов

Навбатчи муҳаррир:
Муҳайё Рустамова

Адади – 18 461
Шундан:
Кирилл ёзувида – 6999
Лотин ёзувида – 11 462
Медиа кузатувчилар – 84 447
Буюртма: Г – 639
Ҳажми: 4 босма табоқ, А2.
Нашр кўрсаткичи – 222.
Ташкилотлар учун – 223.
1 2 3 4 5 6

Саҳифаловчилар:

Эркин Ёдгоров
Нигора Тошева



Манзилимиз:

Тошкент шаҳри,
Шайхонтоҳур тумани,
Навоий кўчаси, 69-уй

Телефонлар:

Қабулхона: (71) 203-24-20
Девонхона: (97) 745-03-69
jadidgzt@mail.ru (71) 203-24-17
Jadid_gazetasi@exat.uz

"Шарқ" нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
босмахонаси.

Босмахона манзили:
Тошкент шаҳри,
Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти: 21:00
Босишга топширилди: 20:00

Сотувда нархи эркин.



www.jadid.uz

Муассислар:



ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР
УЮШМАСИ



РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ
ВА МАЪРИФАТ МАРКАЗИ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ



МИЛЛИЙ МАСС-МЕДИАНИ
Қўллаб-қувватлаш
ВА РИВОЖЛАНТИРИШ
ЖАМОАТ ФОНДИ



"ШАҲИДЛАР ХОТИРАСИ"
ЖАМОАТ ФОНДИ